

18+

Зулфиябегим Адхамзода

НЕФРИТ ОСТИДАГИ ЖУМБОҚ

Бадий публистик роман

Зулфиябегим Адҳамзода
Нефрит остидаги жумбоқ.
Бадий публистик роман

http://www.litres.ru/pages/biblio_book/?art=63618371

ISBN 9785005199928

Аннотация

Бу китоб тархий қўлланма эмас, аммо муаллифнинг ўша даҳшатли туши туртки бўлган, реал воқеалар асосида ёзилган роман. Бу романда сиз муҳаббат учбурчаги, зиддиятли тўқнашувлар, бевақт қурбон бўлган халқ қахрамонларининг ички кечинмалари билан танишасиз. Уларнинг ҳаётидаги кескин бурилишлар, қувонч кўз ёшлари, шиддатли жанг истироблари сизни бефарқ қолдирмайди.

Содержание

| | |
|-----------------------------------|----|
| Сўз боши | 5 |
| Нефрит остидаги жумбок | 13 |
| Эр хотиннинг уриши | 13 |
| Мактуб | 28 |
| Экспедитция аъзолари | 39 |
| Мотам | 63 |
| Тортишув | 72 |
| Якобнинг хатоси | 79 |
| Конец ознакомительного фрагмента. | 87 |

Нефрит остидаги жумбок Бадий публистик роман

Зулфиябегим Адхамзода

© Зулфиябегим Адхамзода, 2025

ISBN 978-5-0051-9992-8

Создано в интеллектуальной издательской системе Ridero

Сўз боши

Табият сир асрорларга тўла, ундаги ечилмаган муаммолар талайки, асти қўяверасан киши. Баъзан шундоққина кўз ўнгингдаги мўжизани кўрмайсан-у, ўзга юртнинг эртақлари-ю, чўпчак ва афсоналаридан завқланиб хаёлларга чўмасан, уларга ошно бўлиб ўзлигингни унутасан. Чарҳнинг гардиши айланганида, ундаги сув ҳар томон бир маромда сачрагани каби, мўжизалар ҳам дунёга шундай тенг ёйилган чамамда. Мисрни мўжизаларини кўзи очиклигида кўриб, улар орасида сайр қили-шни, унинг узок ўтмишига хаёлан сайр айламоқликни орзу қилмаган киши бормикин дунёда, ёки Римнинг харобалари орасида, ўзини ўша давр Еленаларига қиёсламаган, ёхуд Гладиатор жанглирида иштирок этишни истамаган йигит бормикин?

Шундай ўй хаёлларнинг сокин ўрмонида сайр қиларканман, беихтиёр рашким келади. Нега? Нечун биз ўзга юртнинг эртақларидан завқ оламиз? Буюқ шахслар бизнинг заминда наҳот унмаган? Наҳот гўзалликда офтобни-да кўзларини қамаштирган, ақл заковатда Мидеяни ўз соясининг, қаро пардаси остига ғарқ қилувчи Зукко аёлларимиз хотиралардан ўчган бўлса? Эй воҳ, заминимиз ўз жилоси ва бир замонлардаги шуҳрати, ёхуд жаннатмонанд табияти билан, балки дунёга донғи таралган алломалари билан ўзга юртларнинг ҳасадини кўзғатгани туфай-лидирки, заминимиз қаҳрамонла-

ри ўша латофатли оқила маликалар-у, жасоратда оламни зир титратган саркардаларимиз афсоналари битилган китоблар, бир замонлар вахшийларча бостириб келган ғанимларнинг оёқлари остида, улар аланга олдирган ўт ичра ёниб кул бўлган бўлса ажабмас. Аммо тарих ўлмайди, китоблар ёниб битган бўлса бордир-ку, лекин халқ унутмайди. Кимдир, қаергадир қайд этгани борки, бизгача барибир етиб келмоқда.

Кунлардан бир кун мен қандайдир Сағана ичига кириб қолдим. Сағана деворлари нураб кетган, бор йўғи тўрттагина қабрни ўз ичига олган, қоронғу мақбара ичида қандайдир одамлар. Бири қотмадан келган, устида оқ чит матодан кўйлак, кўйлакнинг олдига жияк тикиб, бўйин ўмизига боғич қилинган. Кенг шалварини этикни ичига кистириб олган. Аммо улардан бири ажралиб турибди. Ўрта бўйли, тўлачадан келган, ёши чамамда 35—38 ёшлар орасида, сочи Эътиборимни тортди. Теппаси узунроқ қилиб ўстирилгани учун ҳар энгашганида олдига тушиб ҳалақит бераяпти. Бошини силаб сочларини ортга ташлаган бўлиб, яна енглари шимарилганча зўр бериб, бор кучи билан бурчакда турган қабр тошини суришяпти. Қабр тоши тим қора, силлиқ эмиш, ўша тошнинг ўртасидамас, пича берироғида дарзи бор. Дарз ичига чанг тўлгани учун тошнинг сайқалини синдириб, ажралиб турибди. Қора тош, бошқалардан баҳайбатлиги билан ажралиб турибди. Мен сағана ичидаман-ку, аммо бояги кишилар олдига бора олмаяпман. Қалин ойна ортидан уларнинг қабрни очишларини кузатаяпман. Қаерга? нимага келганимни

ҳам англол-май турганимда, ўнг тарафимдан, эркак кишининг овози эшитила бошла-ди. – «Бу Амир темур қабри, уни очишмоқчи, уларни тўхтат, йўкса уруш бўлади». – деб улар томонга ишора қилди. Ўгрисам ҳеч зо йўк.

Дафъатан кўрқиб бояги одамларни ўзимга қаратиш мақсадида ойнани зўр бериб ураяпман. Аммо мени ҳеч ким кўрмаяпти ва эшитмая-пти. Дод соламан. Очманг, очманг деб додлаганча қолдим. Тўрт беш киши бояги қора тошни амаллаб суришди. Тош бор йўғи ярим қарич сурилдими йўкми, бир маҳал шунақанги кучли зил-зила бошландики, мен худди телевизор ортидан кузатаяпман-у, қаршимда даҳшатли кино кетаётгандек. Улар қабрни чала очиб, зилзила босиб қолмасин деб бошларини пана қилганча қочиб қолишди. Шу пайт мени тўхтатиб турган ойна ғойиб бўлиб, худди «Иван Василёвич ўз касбини ўзгартиради» филмида, Бунша билан ўғри ортидан қувиб келишаётганида, ёрдам сўраб панжарага осилишаётганида бирдан Шурикнинг уйига ўтиб қолишганидек, мен ҳам югуриб бояги одамларнинг олдига бориб қолдим. Уларга нимадир деяп-ман, ялиняпман улар мени кўришмаяпти. Шоша-пиша катта чарм сумка-ларига, қўлларига илинганини солиб, жон ҳолатда зинага югуришмаяпти. Тепадан катта-катта ҳарсанг тошлар қулаяпти. Оёғим остига қарадим, бояги ярим қарич очилган қабр тоши орасидан қандайдир даҳшатли овоз эшитилди. Худди қабр ичида аждаҳо нафас олаётгандек хириллаган овоз билан, чуқур жар ичидан мен томонга чиқиб келаётгандек. Бир оёққа су-

яниб, иккинчи оёғимни гўё биров ушлаб оладигандек кўтариб, кўркув-дан дағ-дағ титраб турганимда, қабр ичидан қора, оловда куйиб кетган қўл чиқиб, қабр четига шунақанги зарб билан бармоқларини қўйдик, қабр тошини неча замонлардан бери кўтариб турган бу тиргакли тош ҳарсанглар, гўё ҳақиқий оғирлик нималигини энди ҳис этди. Азбарои зарбнинг залворидан, бояги мраммарни кўтариб турган тиргак тош дарз кетди. Мен ҳам кўрқиб югураяпман эшик йўқ. Қабр теппасида қолиб кетдим. Дод солаяпман, яна бояги қабр теппасига югуриб келиб, нимжон бармоқларим билан тоғдек оғир, қора тошни суриб қабрни ёпмоқчи бўлаяпман, аммо бармоқларим сирпаниб тош сурилиш тугул, қимир этмасди. Бояги инсонлар чиқиб кетган зинага чиқаман дейман-у, яққол кўриниб турган зиналардан оёқларим худди арвоҳникидек шаффов ўтиб кетаяпти. Оёқларим зинани боса олмаяпти. Қаердан чиқишни билмай кўрқиб яна қайтиб, чирансам ҳам кучим етмайдиган қабр тошини ёпишга уринаётганмишман, чўчиб уйғондим. Бунга ўхшаш тушларни бир неча бор кўрдим аммо буниси худди хотирамга муҳрлангандек ҳар бир деталигача эсимда туради. Ҳатто ундаги бадбўй исни ва юракка ларза солувчи даҳшатли қора туман ҳали-хали димоғимда.

Ҳар сафар ўйлардим нега болалигимдан мени тушимга Амир Темур-нинг қабри, унинг болалиги ва. хо. казолар кирaveraди. Менга ким-у, мен унга кимман?

Шундоқ ҳам Мени қизиқтирадиган тарихга, шу тушдан

кейин янаям қизика бошладим. Гўри амир ҳақидаги маълумотларни излай бошладим. Билсам, гўри амирда бир вақтлар катта экспедитция ишлаган экан. Гўри амир ва унинг очилиши билан бўлган воқеалар ҳақида ҳужжатларни кўриб чиқа бошладим. Шунақанги ҳақиқатларга дуч келдимки. Саналарни бир-бирига боғлиқлигини кўриб тўғриси лол қолдим. Мен тушимда кўр-ган бу воқеа аслида бундан бир неча йиллар қуйида исмлари ва баъзи бирларини суратлари келтирилган инсонлар тарафидан содир этилган-лигини билиб ҳайратдан лол қолдим. Айниқса суратларини кўриб ёқамни ушладим, бу ўша мен тушимда кўрган инсонлар ва ўша жой. «Менга ким-у, мен унга кимман?» деган гапимдан уялиб кетдим. Ахир бу нафақат мени балки ҳамма ўзини шу миллатнинг фарзанди санайдиганга у бобо эмасми?

У ҳақидаги китобларни излай бошладим. Экспедитция аъзоларининг ва бу ишга дахлдор кимсаларнинг 1925—1945 йилгача бўлган ҳаётлари билан қизикдим, уларнинг кечинмалари, рухий ҳолатлари, шу даврда содир бўлган ҳаётларидаги воқеаларни излай бошладим. Интернетда кўп эканку у ҳақидаги роликлар ва ҳужжатли филмлар аммо бадий асар топа олмадим. Балки мен дуч келмагандирман, балки яхши қидирмагандирман, нима бўлганда ҳам ҳар ерда қисқа-қисқа келтириб ўтиб кетилган. Ҳамма кўриб чиққан, ва топа олган фактларим асосида бир-бирига боғлиқ вақтлар ва ҳодисалардан, ва суратлардан фойдаланган ҳолда тарихий роман кўринишида шу китобга қўл урдим.

Бу тарихий асар, деярли 80% бўлиб ўтган воқеалар ва тарихнинг баъзи беркитиб қўйилган саҳифаларидан излаб топилган маълумотлар асосида ёзилди. Малик Қаюмовнинг ҳужжатли филми Асос бўлди. Садриддин Айнининг Ўғли Юритган кундалигидан, Кремлёвские дети мавзусида таёрланган ҳужжатли филмлардан унумли фойдаланилди. Гўри амирдаги воқеалар ҳақида, Герасимовнинг қизи тарихчи олим, Антро-полог Маргарита Михайловна Герасимованинг, отасининг ишлари ҳақи-да берган интервьюсида қисқача тўхталиб ўтган, гўри амир воқеалари ҳам ўз ўрнида қандайдир ҳужжат бўлиб хизмат қилди. М.М.Герасимованинг «Я ищу лица» – деб номланган, 2007 йилда чиқарган китоби ҳам ўз ўрнида қандайдир маълумотларга эга бўлишимга хизмат қилди.

Сталиннинг ўлимидан сўнг қалқиб чиққан, унинг мудҳиш жиноятлари очиб берилган «Жизн вождя», «Скрытые факты о Сталине», «Кремлёвские дети», «Клязминский потоп», «Долгопрудный», «Русская мысль» ҳужжатли журналдаги баъзи ўта шахсий маълумотлар катта ёрдам берди.

«Ўша менинг оёқларим остидан олинган нонни еган болалар ҳали ҳамон кўз олдидан кетмайди», – дейди хар сафар Александра Егоровна хаёл суриб қолганида. Дарвоқе Александра Егоровна ҳаётда мавжуд протатиб бўлиб, унинг уруш йиллари ҳақидаги ҳикоялари ҳам ўз ўрнини топган ушбу асарда. Уруш йилларини эсларкан у албатта ўша мудҳиш очарчиликни, нонни олтинга тенг бўлганини бир неча бор

айтиб берган эди. Болалигимда буни худди бир кўрқинчли эртақ деб қабул қилардим. Тарихий хужжатлардаги бир-бирига боғлиқ бўлган воқеа ҳодисаларни бадий асар, яъни роман кўринишида ёзишга қарор қилдим, табиийки тўқима об-разлардан ҳам кези келганида фойдаланишга тўғри келди албат-та. Масалан Назокат ва Асқарнинг муҳаббат учбурчаги, ёки Умаржоннинг онаси шу жумладандир.

Афсуски Маъсуд Аллаевнинг исми оғзаки равишда айтиб ўтилгани учун у ҳақидаги маълумотлар жуда кам экан. Унинг ҳибсга олиниши, ўша даврни ўз кўзлари билан кўрган боболаримиз, момоларимиздан эшит-ганимиз асосида, келтирилди.

Бу асар, И.В.Сталин ёки Герасимов, ёхуд Амир Темур, ҳатто Асқар ва Назокатнинг муҳаббати-ю, Александра Егоровнанинг хотиралари ҳақида эмас. Бу асар муқаддас заминимизда Абадий уйқуда ором олаётган бобомиз Амир Темур қабрининг қудрати, ундаги битикнинг моҳияти ва биргина хато туфайли, унинг келтириб чиқарган халокатлари, ўша давр одамларининг ва ушбу қахрамонларимизнинг чеккан қонли захматлари ҳақида.

Муаллиф, яни камина бу асарим билан замондошларимга, қолаверса келажак авлодларга: Дунёлардан изламанг бахтингизни, у сизнинг оёқлар-ингиз остидадир. Майли кезинг оламни, илм эгалланг, фикр алмашинг, яратганнинг мўжизаларидан бахраманд бўлинг, аммо қайтинг ватанга! Чунки сизни улардан ўрганадиганигиз йўқ, аксинча уларни сиздан

ўрганадиганлари кўп.

Фақат афсус қадрингизни билмайсиз азизларим. Оёқларимиз остидаги тупроқлар неча-неча авлиёларнинг ҳоки билан тўла, дини ислом ахли илмни дунёдан изламайди, унинг барча илми китобида. Ўз қадрингга ет, сени қадрингга дунё етади. – Демокчи бўлдим холос.

Нефрит остидаги жумбоқ

Эр хотиннинг уриши

Осмон жуда мусаффо. Шом пайти, узоқдан ботаётган қуёш гоҳ қизғиш, гоҳ сарғиш нурлари булутлар ортидан қорамтир бўлиб кўринмоқда. атрофга худди осмон тўр пардасини ташлагандек ярим чақирим жойни ҳам яқол кўриш душвор бўлиб қолди. Негадир худди ҳамма бемаҳал ухлаб қолгандек атрофга аллақандай сукунатга чўмди. Шу маҳал Массон. (Совет иттифоқи ва Ўзбек тарихчиси ва осиешунос академик) Михаил. Евгениевич қалбига қандайдир кўрқув кира бошлади. Михайил Евгениевич ўрта бўйли, кўзлари рус миллатига ҳос, қовоғи ичига кирган, юзидан ёшини унча англолмайсан киши. Кўриниши ёшига нисбаттан катта кўринадиган, лаблари мўйлабининг тагидан деярли кўринмасди. Дойимий равишда кўз ойнакда юрадиган, ўткир қиррали бурни, кулганида бутун юзини ёпадиган, юрганида оёғида нуқсони бўлмасада дойим бир томонга оғиб, хаёлчанд юрадиган одам эди. Бу кўрқув сабабини унинг ўзи ҳам билмасди.

У Самарқандаги Гўри Амир атрофида, неча кундан бери айланиб қолганинига шогирдлари ҳам ҳайрон эди. Ўша куни Михаил Массон кечгача хаёлчанд юрди, худди ниманингдир жавобини топа олмаётган талаба каби куни билан

кутубхонадан чиқмади. У кутубхонанинг гоҳ у, гоҳ бу бурчагига бориб ҳар-ҳил китобларни варрақлар, кўз ойнагини олиб бирор бетдан нимадир қизиқроқ маълумотга дуч келса қайта-қайта ўқирди. У шу қадар банд эдики, ҳатто тушликни ҳам рад этди. Қизиқ Михаил табиятан хушмуомула, керишимли, гарчи жиддий қиёфаси баъзан кишини ҳайиктирса-да, аслида ўта одамшаванда, латифа ишқибо-зи эди. Уни ҳеч қандай ривоят, ёки қўрқинчли ҳикоя таъсирлантира олмасди. Тарихчи олим бўлганлиги туфайлими, ҳамма нарсага илмий назар билан баҳо берар, ва уни оддий ҳолат дегандек, латифа қўшган ҳолатда таъриф берарди. Унинг учун ҳар бир ўрганилаётган ҳароба ёки қабр нима бўлишидан қаттиқ назар, оддий бир объект эди. Ҳеч қандай ғайри оддий хусусиятга эга бўлмаган, реал ҳаётга ҳеч қандай ҳавф сола олмайдиган, эски, сўниб бўлган шамчироқ мисоли эди.

Бу воқеа 1925 йил баҳор ойида содир бўлди. Ҳатто тушлиқдан воз кечган Михаил, шомга яқин шошиб қолди. Апил-тапил нарсаларини йиғди-ю қўлтиғига қистиририб, хайрни ҳам насиа қилганча Гўри Амир томонга югура кетди. Тор кўчалардан бирида у тошдек қотди. Нигоҳи осмонга тикилганча, осмондаги нурдан кўзларини уза олмади. Шу қотиб турганча у бир неча дақиқа қимир этмади. Олдидан одамлар ўтиб борар, гоҳ-гоҳ унга кимдир урилиб кетар, аммо Михайил Евгениевич худди сеҳрлаб қўйилгандек тик турарди. Бир маҳал у ўзига келиб кўзидаги ойнагини олиб дастрўмолчаси билан артиб, яна тақиб олди. Худди

энди у нурнинг ичидаги ғайбни кўрадигандек.

Нур, Гўри Амир тепасида осмонга тикка кўтарилган, гўёки осмондан кимгадир лифт ўрнатилган-у атрофда буни ҳеч кимса пайқамаётгандек. Ўша нурли устун атрофида аллақандай темир буюмлари ҳам ҳавода муалақ турганини кўриб, Массон папкасидаги катта яшил муқавали, сем-из китобни шоша-пиша олиб варрақлай кетди. У китобни ҳарсиллаганча варрақларкан бармоқларини гоҳ-гоҳ ялаб, шу қадар берилиб кетганидан кўчанинг ўртасига чўккалаб ўтирганини ҳам сезмай, одамларнинг ғалати, кулимсираб худди телбага қарагандек орқаларига қараб, қўллари билан кўрсатиб унга ҳайратланиб қараганларини ҳам сезмади. Аммо нур тез орада ғойиб бўлди. Массон ўзини ғайб кўрган-кўрмаганини текшириш учун, отрофдаги ўша маҳалла одамларига, улар ҳам бу воқеани кўрган-кўрмаганликларини сўради. У шу қадар ҳайратда эдики, унинг нигоҳлари кишини қўрқитарди. У мурожат қилган кишилар, унинг кўзидаги бу илм алангасини телбаликка ҳам йўйган бўлиб, ҳамма ҳам унинг саволларига жавоб беришга ошиқмади. Бир ҳил кишилар бундай воқеа тез-тез содир бўлишини, кўпинча нимадандир огоҳлантиришини айтишди. Аммо бош-қалар, ҳеч нимани кўрмаганларини, аксинча унга шундай кўринганини айтиб ўтиб кетишди.

Массон тинчлигини йўқотди. У кечалари уйқусизликдан қийналарди. Тун ярмида туриб бирдан китоб варрақлар, яна бирдан кундалигига нималарнидир қайд қилган бўлиб, бал-

кондан осмонга узок термулганча тонг оттирарди. Гоҳо кундалигини кучоқлаганча ухлаб қоларди. Ўша пайтлар ҳеч қандай ғайбга ишонилмас, аксинча рад этилар, уни илмий нуқтаи назарда исботлашга уринишарди. Лекин бу воқеани ҳеч қандай нуқтайи назар билан исботлаб бўлмас эди. Унинг рафиқаси¹Галина Ана-толиевна Пугаченкова, кўзларини дойим, ҳатто кулганида ҳам маюслик тарк этмасди. Қошлари ўша давр урфида қилдек қилиб терилган, каштан сочлари эса жингалак қилиб ортига қайтарилган, кийиниш услубига унчалик аҳамият бермаса-да, кийган киймлари унга жуда ярашиб турарди. Чунки табиятан ориқдан келган, ўрта бўйли аёл. Елкалари кенг бўлгани билан жуссаси этига ёпишгани учун, унчалик савлат бағишламасди. У эрининг ҳолатидан ташвишда, уни ҳадди-ҳаракатларига ҳадик билан қараб, кечалари унинг осмонга термулган кўзларидан қалқиб чиқаётган кўз ёшларга гувоҳ бўлиб қолди. Аввалига у тушунмади.

– Бошига бир ташвиш тушганмикан, — дея ўрнидан турди. Шиппаги-

ни, оёғининг бош бармоғи билан каравот тагидан излай бошлади. Ҳозиргина тўғри хаёлда ўрнидан туриб келаётган Галинани нима жин урди-ю, хаёли умуман бошқа тарафга кетди.

– Миша, сенга нима бўлаяпти? – Дея уни тергай бошлади.

– Ҳеч нима, ўзим шундай, – хаёллар оғушида қанотсиз

¹ ЎзСССР тарих фанлар номзоди.

парвоз қилаёт-

ган Михаил, беҳосдан ортидан келган рафиқасининг ҳавотирли овозидан чўчиб тушди.

– Миша. Мен сени кеча таниганим йўқ, – деб унга, талаб-намо тикил-

ганча, қўлини белига қўйиб турганини кўрган Михаил Массон,

– Нега ундай қарайсан! – деб ўзича ўшқирган бўлди. Ва худди ўғри

мисол кўзларини олиб қочди.

– Йўқ, бунақаси кетмайди. – Деди-да, Галина эрининг қаршисига стул

қўйиб олиб, унга шундай тикилди-ки, Михаилнинг чораси қолмади.

– Мен..., – деб нимадан гап бошлашини билмай чўзилди Массон.

Унинг жавдираган кўзлари Галинани баттар шубҳага солиб, унга бўлган ишончини сўндира бошлади. Худди бир жиноят устида қўлга туширган миршабдек, қўлларини қовуштириб, қошларини чимирганча, ундан изоҳ талаб қила бошлади. – Хўш, сен? – Деди у, икки кўзини, унга қандай изоҳ беришини билмай бошини эгиб ўтирган эрига тикиб.

– Биласанми..., – дея гапини бошлолмасди Массон.

– Айтақолсангчи, нима бўлди ахир? Одамни интиқ қилмасангчи! —

Асабийлаша бошлади Галина. Михаил эса ўзини ҳали

у ёкка-хали бу ёкка солиб, қўлидаги газетани бураганча, гапиролмай уф тортди. Унинг ичидан гапни суғириб олишга зўр бериб уриндарди Галина. М. Е. Массон чуқур хўрсиниб, худди бирор кишининг ўлими ҳақида хабар беришга ҳозирланаётган одамдек. Стол устида турган графиндан стаканга сув қуйиб бир хўплаб олди-да, – Биласан, Гўри Амирга кўп бориб тураман. У ерда тарихга оид, кўп маълумотлар олишим мумкин. Шунга..., – деди тутилиб-тутилиб, яна бошини эгди.

– Гапиравер. Сени эшитяпман, – унинг оғзига тикилганча кейинги га-

пини пойларди Галина. Унинг шусиз ҳам қилдек ингичка қошлари, борган сари чимирилиб, унинг латофатли чехрасини файз тарк этди.

– Ҳар доимгидек иш билан машғул эдим. Бир маҳал, бир аёл, – деди

М. Массон қўлидаги газетани стол устига қўя туриб, нима бўлса бўлди, бошга тушганни кўз кўради дегандек, хўрсинди. Галина унинг шу гапини кутиб турган эканми, ёки аксинча шундан қўрқиб турган эканми, гапни давомини эшитиб ҳам ўтирмай ўрнидан сапчиб турди.

– Тушунарли. Ўзим ҳам шундан қўрққандим. Аёл, аёл. Бир умр шун-

дан қўрқдим. Оилани муқаддас билдим, ҳамма вазифаларимни бажа-ришга интилдим. Манна оқибат! – деди-ю кескин ўгирилиб, – у билан қаерда танишдинг? – Деди жон хо-

латда. Савол берди-ку, жавобини кутиб ўтирмай, яна гапир-ишда давом этди. Унинг овози баъзан пастлаб кетар, худди йиғидан гапиролмаётгандек. Гоҳо овози шу қадар баланд чиқарди-ки, гўё ҳамма ерни вайрон қилгудек. Ниҳоят бир бурчакка бориб бошини қаттиқ сиқиб ўтириб олди. Худди гапига ишонгиси келмагандек, гоҳ-гоҳ бошини сараклаб, – йўқ – деб бақириб қоларди. У Михаилга қараб яна нимадир демоқчи бўлди-ю, гапи оғзида қолиб, лаблари титраганча йиғлай бошлади. Ўтирган жойидан ўқдек отилиб, ўзини йўқотиб қўйди. Стулларни отиб ташлади.

Михаил рафиқасини ҳолатини кўриб, ўз дарди ҳам эсидан чиқди. Рафиқаси уни нотўғри тушунганини кўриб, юпатишга ҳаракат қилди. Аммо Галина эшитишни ҳам хохламасди, – Сени деб шу касбни танладим. Не-не қийинчиликларга дош бераяпман. Ватандан узоқда. Сен бўлсанг. Сен... – дея Массонга юзларига қора суркатиб улгурган, кўзларида қалқиб турган ёш билан, илтижоли қаради. Яна нимадир демоқчи бўлди-ку, миждаларидан тирқираб тушаётган ёшларини, юзидан сидириб дилидаги гапини насия қилди.

Михаил ўрнидан туриб Галинани хотиржам қилишга ҳаракат қилди. Аммо у ҳали у бурчакка бориб уф тортар, ҳали бошқа бурчакка бориб бошига енгил мушт уриб қўярди. М. Е. Массон хотинини харчанд босишга уринмасин, у эрининг гапларига қулоқ осмасди.

– Нималар деяпсан Галина. Қанақа аёл? Қанақа хиёнат? – Деб ним

табассум қилиб, хотинининг елкасидан қучиб уни бағрига босмоқчи бўлди. Галина эса елкасидаги эрининг қўлларини, нафрат билан туртиб ташлади. Унга, худди сотқинга қарагандек жирканиб қаради.

– Қўлингни торт аблах! Ўзинг айтдинг-ку, бир аёл билан танишдим

деб. Менга хиёнат қилишга қандай ҳаддинг сиғди. Кутмагандим, сендан буни асло кутмагандим. Сенга ўзимга ишонгандек ишонардим. Севар-дим...

Ҳозиргина оғир босиқ, ўзини ушлаб турган Михайил бу тухматга дош беролмай тутоқиб кетди. Кўзларини Галинага ўқдек қадади-да, исботсиз у томонга отилган бу тухмат тошлари, тўғри бориб унинг қалбига тегди.

– Мен аёл билан танишдим деб қачон айтдим? – деб бор овози билан

хотинига, кўзларини ола-кула қилиб ўдағайлай бошлади. Тухматга чидолмади. аслида тухматга эмас, энг яқин инсонни, ҳаётининг мазмуни, неча йиллик дўстини, унга қилган муомаласига чидолмади.

Тўсатдан вазоҳат билан шердек нара тортганини, табиятан юмшоқ эри, жаҳл отига минганини кўриб жанговар руҳни бир зумда мулойим-гина қўзичоққа айлантирди Галина.

– Ҳозиргина нима ҳақида гапирётувдинг? – Деди попуги пасайиб худ-

ди беозор мушукчадек, аёлларга хос айёрлик билан, кўзларини сузганча гапни бурди Галина.

– Эшитмас экансан нега савол берасан? Аввал гапни охиригача эши-

тишни ўрган. Фан доктори эмиш яна. – деб қўлини стулга келиб муштлади Массон. Эрининг авзойини кўриб, Галина Сал ўзини босиб олди. Рафиқаси ўзини тутиб олганинидан фойдаланиб Михайил сўзида давом этди. – Бир аёл боласининг кетидан югуриб қолди. Бола эса томга чиқиб кетаётган экан, мен ишлаётгандим, биласан болаларга меҳрим бошқача. Бояги болани кетидан томга чиқдим, болакай шунақанги ширинки, икки юзидай тўйиб-тўйиб ўпкинги келади. Лўмбиллаволиб югуриб кетаётган болани икки қадамда тутиб олдим. Уни елкамга кўтариб ўйнатмоқчи бўлдим. Энди кўтараётгандим бирдан кўзим, Гўри амирга тушди. Хоҳ ишон, хоҳ ишонма Мақбара тепасида шуъла кўринди.

Галина ҳам, худди эри каби тарихчи олим бўлгани учун, мажбурий табассумни ҳарчанд юзига жипслашга уринмасин, ҳамон кўзининг қиррасидан сизиб чиқаётган ёшлари такқа тўхтади. Ва кескин бошини кўтариб, – Шуъла? – Деб кутилмаганда бақириб қолди. Келиб стулга эн-ди ўтираётган эрининг ёнига, худди ҳеч нима бўлмагандек, қаршисидаги стулни унга рўпара қилиб ўтириб олди.

– Ҳа Шуъла. Шундай шуъла-ки, бамисоли нурли йўлак осмонга тик-

ка кўтарилгандек. – Деб, қўллари билан устун ишорасини қилди. Ўзини ҳам, Галинани ҳам хаёлини бир нуқтага жамлади. Ҳозиргина қутирган урғочи филдек нара тортаётган

Галина, бир онда юз, кўзини артиб аёл мавзусини унутди, эрининг оғзига тикилганча унинг ҳикоясини берилиб тинглай бошлади.

– Нима қилдинг?

– Нима қилардим, икки кундан бери кутубхонадан чиқмайман.

– Хўш, бирон нима топдингми?

– Йўқ. Китобларда ҳеч нарса йўқ. Аммо бир китобда ёзилишича, фа-

локат яқинлашса, авлиёлар қабрида безовта бўладилар дейилган экан. Галина «ол-а,» деб ён тарафга ўгирилиб энсаси қотганини эрига билдирмасликка уринди.

– Қанақа авлиё? Ахир гўри амирда подшоҳлар ётибди-ку.

– Галина, унутма у ерда Темурланг қабри бор. Унинг ёнида эса ўз за-

монасининг буюк олими. Авлиё, валий Абу Сайид Барака ётибди. – Деб кўрсаткич бармоғини Галинага бигиз қилиб, ўз сўзини тасдиқлади Михайил Массон. Аёл ўйланиб қолди. Эрига қараб, хатосини тушунган ошиқдек, унинг қўлини ушлаб майин силади-да, жилмайиб эркалана бошлади. У қилдек ингичка қошларини ўртага жамлаб эридан кечирим сўрагандек, елкасидан охишта қўлларини юрғазиб силай бошлади. Михаил рафиқасини ялтоқланаётганини кўриб, елкасидаги галинани нозик қўлини охишта силкитиб юборди.

– Демак аблахман шундайми? – деб эркаланаётган Гали-

нага кўзининг

қири билан қаради. Галина бошини эгди-да, айёрлик билан бошини эрининг елкасига қўйди.

– Кечир мени азизим. Ундай демоқчи эмасдим. Билмайман нима жин

урди мени. Нега бу аҳволга тушдим ўзим ҳам билмай қолдим. Азизим кечирақол энди. Гўё кимдир мени бошқаргандек нима деётганимни ўзим ҳам билмай қолдим, ўлай агар, ишон.

Михаил Массон рафиқасига кўз қири билан ним табасум қилди-да, чап қўли билан уни ўзига тортиб, кучоқлаб олди.

– Мени шу қадар севасан деб ўйламагандим. Кимдир сени рашқ қилса

кишига ёқар экан. Аммо ўн йиллик эрингни аблах дегагингни унут-майман, – деб унга ҳазиломуз киноя билан қўлини бигиз қилди.

Галина Михаилни кучоқлаганча елкасидан бошини олгиси келмас. Кўзларини юмганча тебранарди. Ора-чора юмук кўзлари билан, соқоли ўсиб Галинанинг ғашига тегаётганига қарамай юзидан ўпиб қўйди. Улар бир неча дақиқа, шу ҳолатда деразадан осмонга қараганча хаёллар ва ширин хотиралар оғушида ўтиришди. Галина Умр йўлдошининг қайноқ бағридан илкис қўзғалди-да, Михаилга:

– Тўғри айтасан Миша. Темур баъзи манбаъларда уруш худоси дея

тилга олинади, баъзида эса ўлим худоси деб. – Мулойим-

лик билан эрига ён босди. Михаилнинг сукут сақлаб, яна хаёлга чўмгани Галинани ташвишлантирди.

– Шумиди бор муаммо? Қизик, буни нимаси муаммо?

Михайил худди энг муҳимини айтмаган гунохкордек чуқур уф тортиб, стол устида турган кўзойнагини кўлига олиб артди. икки кўз орасидаги бурун суягини бармоғи билан сиқиб кўйди. Ва кўз ойнагини тақиб олди.

– Ҳамма муаммо шунда-да. Биласан, сиёсатимизда бундай воқеалар,

гайб ҳақида умуман гапириш мумкин эмас. Мен эса бу қабрни очиб кўришни истайман. Бунинг учун менга эса руҳсатнома керак. Аммо руҳсатнома олишим учун жиддий сабаб келтиришим зарур. Мен нимани сабаб қилиб кўрсатаман? Шуъла кўрганимни ёзаманми? Менга руҳсатнома эмас, жиннихонага йўлланма беришади.

Михайил сочларини силаганча, ташвиши яна эсига тушиб балконга чиқиб кетди. Четларига ҳунарманд аёллар томонидан қўлда хошия берилган Оппоқ дастурхон ёзилган, хона ўртасида турган думалоқ Столга қўйилган, тилла ҳар билан ишлов берилган биллюр графиндан стаканга сув қуйди-да, баланд овозда Михайлга:

– Ёз. Тегишли идораларга мурожант қил. – Деб чала очик турган бал-

коннинг эшигига мўралади. Очик ҳавода, сахар ёғдусини томоша қилиб чуқур-чуқур нафас олиб, икки кўлини ёзганча, кўзларини чирт юмиб тоза ҳаводан нафас олаётган Миха-

ил, ортига ҳам қарамай кўзларини кескин очди. Гўё кимдир ширин уйқудан уйғотиб юборгандек:

– Нима дейман? Менга биров ишонади деб ўйлайсанми? – деди.

Галина ўйланиб қолди. Эрига ачиниб унинг ёнига яқинлашди, юмшоқ ва иссиқ, аммо ишхонасидаги қоғозлар дастидан шўралашга яқинлашиб қолган кўлларини қаттиқ сиқиб юзига босди.

– Сиқилма Миша, икковлон бир иложини қиламиз. Биз албатта бу қа-

брни очиб, уни ўрганамиз. Мен сен биланман азизим, – деди.

Ўша кундан эр-хотин бу ишга жуда жиддий киришдилар. Кутубхона-ларда кечгача қолиб кетадиган, фарзандлари Владимир Михайлович Массон энагаси билан уйқига кетадиган бўлди. Кунлардан бир кун Галина кечаси уйғониб эрини турта бошлади.

– Миша тур! Миша!

Михайил ширингина туш кўраётган эканми Галинанинг кўлларини олиб ташлаб, кўрпасига ўраниб олди.

– Нима бўлди Галина? — Деди уйқусираганча. Кўзларини ҳам очгиси келмай.

– Бир фикр келди.

– Нима экан? Ярим кечаси уйғотишинг шартми? Эртага айтарсан. —

деди ширин тушини охиригача кўришга астойидил ҳаракат қилиб, Галинанинг турткисидан аллақачон уйғониб бўлган, аммо кўзини очишни истамаётган Михаил орқа ўгириб, кўрпани бошига ёпиб олди.

– Кел бундай қиламиз. Ўртоқ Сталинга хат ёзамиз.

Бу гап унинг қулоғига шунақанги жаранглаб кирдики, бейхтиёр ўрнидан сакраб туриб Галинага қаради Михаил. Қошларини кўтариб, худди унга бирор бир вазифа юклатилаётган, ёки уни қаергадир сургун қилаётгандек тепа сочи тикка бўлиб деди:

– Эсинг жойидами? Ўртоқ Сталинга-я, Нима деб?

– Ғайб ҳақида гапириш мумкин бўлмаса, кон ва тарихий топилмалар,

қимматбаҳо қазилмалар ўртоқ Сталинни қизиқтириши мумкин-ку тўғрими? – Дея у, мен шунақа ақллиман дегандек, эрига кўзларини сузди.

– Нималар деяпсан? Ахир у ерда ҳеч қандай олтиин йўқку. Ҳукумат-

ни алдашнинг оқибати нима бўлишини наҳот билмансанг? – деганча ўрнидан сакраб туриб, кўзларини чақчайтирди Михаил. Галина Михаилни икки чаккасидаги сочларини енгил, тортди-да:

– У ерда ҳеч нима йўқлигини сен биласан, ўртоқ Сталин эмас. Ахир

Темурийлар хазинаси топилмаганидан хабаринг бор, биз бор-йўғи шу гепотизани олдинга сурамиз холос. Бу бизнинг

назария бўлади. Ахир биз олтин кўрдик, деб ёзмаймиз-ку, аксинча тахмин қилаяпмиз. Тахминимиз тўғри ёки нотўғрилиги учун жавобгарлик йўқ. Биз олимлар очиб кўрмагуни-мизча бирон бир аниқ жавоб айтолмаймиз. Баҳонамиз шу бўлади. Ҳа-я хатга, «ҳалқ орасида шундай гап юрипди» дея қўшиб ўтамиз.

Михаил ўйланиб қолди. Ва хотинига қараб нақадар ақллисан дегандек, уни ҳеч қандай ҳирссиз юзидан ўпиб қўйди. Эртаси куниёқ тонгда ўша даврнинг СССР бошқарувни ўз қўлига киритган, ва ўша пайтларда ҳалқлар отаси дея юри-тиладиган, Иосиф Виссарионович Сталинга хат ёзди.

Мактуб

1929 йил, кузнинг сўнги кунлари. Ўша давр комунистик партияси авж нуқтасида. Владимир Илич Лениндан сўнг, ҳалқ Иосив Сталин бошчилигида янги ғоялар, янги сиёсат ҳукмида эди. Иосиф Виссарионович Сталин (асл фамилияси Жугашвилли) табияти ўта қаттиққўл, жоҳил инсон. Ўз сўзининг қадрини биладиган, ўта кибрли сиёсатчи. Ўтмишининг қора доғларини ўта усталик билан ёпган, уч фарзанднинг отаси. Келиб чиқиши Кавказ грузинларидан. Дойимий равишда қоп-қора қошлари чимирилган, нўхатдек кўзлари ҳамиша лочин каби сергак. Грузинларга хос ўткир тўти бурунли. Сочлари ёшига қарамақарши равишда умуман тўкилмаган. Кулганидан кўра жаҳли чиққанида савлатлироқ кўринадиган, қалин мўйлаб остидан ҳамиша трупкасини қўймадиган, кийиниш маданиятидан агар унинг аёли бўлмаганида умуман йироқда бир шахс эди. Битта пальтосини токи хотини тунда алмаштириб қўймагунича эғнидан қўймасди. Ҳокимиятни севади-ю, молу давлатга ружу қўймаган сирли, жумбоқ инсон эди.

Катта хонанинг икки дераза ўртасидаги деворга В. И. Лениннинг катта портрети, четларига тилла ҳар билан ишлов берилган, жимжимали гардишда осилиб турарди. И. В. Сталин Деразага орқа қилиб жойлаш-тирилган иш столига тирсакларини босганча ҳужжатларни кўздан кечириб ўтирарди.

Столнинг чап тарафига, деворга суяб жойлаштирилган, иш столидан чамаси икки қадам нарироқда, устига қизил чойшаб ёпилган диван жойлаштирилган. Диваннинг тепасига Иван Грознийнинг сурати осилган эди. Иш столининг рўпарасидан беш олти қадам нарида эса бир-бирига қарама қарши қилиб жойлаштирилган иккита кресло. Уларнинг ўртасига ёғочдан ишланган, биргина шахмат доскаси сиғадиган стол турарди. И. В. Сталин хужжатлардан чарчаб эндигина турмоқчи эди. Со-вет иттифоқининг маршали Г. К. Жуков, эшикни тақиллатиб унинг ёнига киришга изн сўради.

Георгий Константинович Жуков, баланд бўйли, сочлари деярли тўкилиб бўлган аммо юзидан, ҳудди чизиб қўйилган-дек табассум ифодаси кетмайдиган, фариштали, оғир-вазмин, ҳар қандай ҳолатда ҳам Сталинга содик. Бурч тушунчасини ўзининг ҳаётидан ҳам устун биладиган ва албатта Сталинниг озми-кўпми сирларидан хабардор инсон. Сталин, ни-мадандир ҳавотирда, ҳарсиллаб кириб келаётган Жуковга:

– Уруш бошландими? – дея ҳазиллашди. Унинг ҳазилла-ри ҳам шу қа-

дар жиддий эдики, кулишга ҳам кўрқасан киши.

– Йўқ. Нега ундай дейсиз ўртоқ Сталин? Ахир СССРга ким ҳам ху-

жум қила оларди. Сиздек бошлиғимиз турганда ким ҳам журъат қила оларди. – деди Жуков ҳазил оҳангида. Сталин-га бу лаганбардорлик ёқмаса-да, барибир чиройли сўзлар унинг юзига табассум бағишлади.

– Нега унда безовта кўринасиз?

– Мазангиз йўқлиги ҳақида хабар топдим. – Сталин, ха ол-а, лаган-

бардорлик ҳам эви билан-да, дегандек жилмайди ва Жуковга рўпара-сидаги Стулга ўтиришга ишора қилди.

– Ўлмайман, ахир ўзингиз айтдингизку «журъат қила олмайди» деб.

– Шундайку-я аммо... – деб эндигина муддаога ўтмоқчи эди Жуков,

шу пайт кремл хизматчиларидан бири хонага киришга изн сўради. Сталиннинг «кираверинг» ишорасини олиб, келган хатларни стол устига қўйди. Сталин бамайлихотир бо-яги хатларни кўздан кечира бошлади. Хатжилдлар орасида унинг назари Михаил Массондан, «ўта муҳим» деб ёзилган хатга тушди.

– Ўртоқ Жуков. Михаил Массон ким? —Сўради у тааж-жубланиб.

– Билмайман ўртоқ Сталин.

– Билиб қайтинг! – Деди Сталин Жуковга қошини кўтариб. Жуков

нима қилишини билмай қолди. Бехосдан айтилган бу буйруқни ҳозироқ бажариш керакми ёки кейинми билолмай эсанкираб турарди. Одатда Сталин буйруқларини кечиктирганни ёқтирмасди. Худди аскардек ўрнидан туриб, чиқиб кетаётганди.

– Ўртоқ Жуков, – деб Сталин уни тўхтатди.

– Эшитаман ўртоқ Сталин.

– Сиз Массонни бутун дунё бўйлаб изламоқчимисиз? –

Сталиннинг

бу ҳазил таъриздаги даккисидан Жуков бироз енгил тортиди ва жилмай-ганча:

– Йўғ-ей. – Деди.

– Хат Самарқанддан. Эътиборга оласиз деган умиддан. – Деган

жиддий оҳангидан, Жуков Сталиннинг жаҳли чиққанини дарров пайқади. Эгасининг феълини билган итдек унинг буйруғини кутиб турарди.

– Худди шундай ўртоқ Сталин. – Деди-ю чиқиб кетди.

И. В. Сталин хатни энди ўқимоқчи эди, Сталиннинг аслида кичкина, аммо ўша пайтдаги хотинидан бўлган катта ўғли, Василий Сталин (Жугашвилли) югуриб кирди.

Василий Сталин, отасига фақатгина димоқ қисми билангина ўхшаб кетадиган, сочлари сарғиш, кўзлари сал қаттиқроқ аммо жоҳил эмас, эркалигидан жуда инжиқ, буйруқ беришга шунақанги ўрганганки, катта бўлган сари бу тобора сезилиб борарди. Ҳамма менга хизмат қилиши керак деган тушунча билан катта бўлаётган Вася кирганини кўриб, хозиргина жиддий давлат бошлиғидан асар ҳам қолмади. У болаларча ўйинқароқлик билан, югуриб кирган болакайга кучоғини очди. Бола эса унга табассум қилиб кутиб турган отасининг қўйнига отилди. Зум ўтмай Надежда Алиулова боласининг кетидан югурганча, кирди. Надежда Алеулова Ста-

линдан деярли 22 ёш кичкина, юзлари думалок, чаккалари юзининг деярли учдан икки қисмини эгаллаган, юзига табас-сумни худди ёпиштириб қўйгандек, ҳатто жаҳли чиққанда ҳам кўзлари мўлтираб ожизлигини, ўта нозик қалб эгасили-гини сездириб қўярди. Табиати тез жаҳл отига минадиган ва бир онда яна юзини табассум қоплаб оладиган, ёш, ҳаёт завқидан ҳали тўймаган. Сочларини дойимий равишда ортига турмаклаб юрадиган, табиийликни хуш кўрадиган аёл эди.

Бола ниманидир чангаллаб олган, онаси қўлидан ола олмаётганди. Сталин бу ҳолатдан жаҳл қилмади, аксинча худди меҳрибон отадек боласини эркалай кетди. Ва унинг ва-жоҳати, ўрталаридаги ёшдан қаттиқ назар уни жонидан ор-тиқ кўрадиган хотинига:

– Надя. Бу нимаси? Болани ўтакасини ёрасанку ахир, – деди ўзгача

бир меҳр билан.

– У онамнинг совғасини синдиришига қараб туришим ке-ракми? —

Деди Надежда, эшик тутқичини тутиб турганча. Эрига эр-калик билан жаҳлини кўрсатган бўлиб.

– Секин, ётиғи билан эркалаб сўрасанг беради-ку.

– Сўра, сўра. – Деб унга қўлини пахса қилди. Қўлини қо-вуштириб

эшикка суянди-да, қани бир кўрайлик дегандек эшик ол-дига туриб олди.

Сталин болани эркалаб, уни қўлидан идишчани олмоқчи

эди, бола уни қўлини тишлаб олди. Аммо Иосиф бунга жahl қилмай, аксинча бола билан ўйнашиб ерга йиқилди. Тишлаган жойи оғриётгандек ёлғон йиғи қилди.

Шу пайт Надежда, Иосифга қараб турди-да, унинг оталарча меҳрибонлик билан болани авайлаб, унга озор бермай қўлидан идишчани олишини кузатиб, отаси тенги бу инсонни нима учун севиб қолганига яна бир бор амин бўлди. Шу пайт Иосифнинг биринчи хотинидан бўлган, ва онасининг ўлимидан сўнг, отаси билан яшаётган ўғли Якоб кириб қолди.

Сталинга Якобнинг Надеждага қараши ёқмади шекилли. Надеждага чиқиб кетишига ишора берди. Якоб онасининг ўлимидан кейин отасини анча йил кўрмаган, рус тилини умуман билмасди. Кремлга эса отаси сайланганидан кейин кўчиб келган. Кийиниши ҳам қишлоқча, кенг, осилиб турган шимлари ҳам унинг табиятан кўркамлигини яшира олмасди. Камсуқум, ўгай онасидан фақатгина беш, ё олти ёш кичгина, эсини таниган кап-катта 14 яшар йигит. Сочлари қоп-қора, бурнининг қирралиги унга янада кўрк бериб турибди. Эндигина мўйлаби ниш урган, қошларининг қалинлигидан, қоп-қора кўзлари унинг тагида ёниб кўринарди. Аммо отасидан феъл атвори билан жуда катта фарқ қиларди. Ҳаётда мақсади йўқ. Ўта содда ва меҳрибон, ишонувчан, ким бўлса шунга ёрдамга шошиларди. Ўгай онасига қараши, четдан қараган инсонга ғалати туюларди. Албатта-да ахир ёш, хушчақ-чақ, ҳаёт нафаси билан тўла, туртиб чиққан сийналари кийим остидан шундоққина кўзга ташланиб турадиган, юргани-

да олдинга эгилиброқ қадам ташласа-да, унинг қадди қома-тидаги латофат ва қиёмлик бузилмайдиган, эғнидаги ҳарир либоси, юрганида енгил шабадада силкиниб, ўзига ярашиб турган бу аёл, қишлоқдан келган, ҳали аёл кишининг ҳидига тўймаган бу йигитнинг, қандайдир маънода ҳис туйғуларини жумбушга келтиргани табиий. Тўғри бўй-басти кичкина бўлгани билан аммо унинг ёниб турган кўзлари, гарчи эркак нусхи ҳали юзидан акс этмаса-да, ҳар қандай аёлни мафтун қиларди.

Иосиф Сталин, ўғли Якобни олдида ўзини тутиб олди. У дарҳол жиддийлашиб,
– Хўш ўқувчи. Кел. Ўтир, – деб унга креслодан жой кўрсатди.

– Салом ота. Мен бир дақиқага, – деди Якоб.

У столдан, аллақачон тамаки тўлдириб қўйилган, аммо чалғигани учун чекишга улгурмаган трубкасини олиб, оғзига солди. Ва унга гугурт чақиб бир варакайига ўғли Якоб билан суҳбатлашаверди.

– Эшитаман, – деди Сталин чап қўлини кастюмининг чўнтагига суқиб.

– Гимназияга қайтмоқчи эдим, ота, – деди Якоб, бояги девор тарафда

жойлашган диван лабига омонат ўтираркан. Сталин чекиб турган хола-тида унга ҳайратлангандек қошини кўтарди.

– Нега? Кремлнинг сенга нимаси ёқмаяпти? – деди, бир

қўли билан

иш столидаги китобларни тўғирлаган кўйи.

– Йўқ асло. Нега ундай дейсиз ота? – деганча, отасининг жиддий

таързда берган бу саволига хаяжонланиб, худди уни хафа қилиб кўядигандек бошини кўтарди Якоб. У гапираркан хаяжондан ўтирган курсисига хотиржам ўтиролмасди. Нуқул турмоқчи бўлган одамдек ҳар гапирганида диваннинг лабига янаям яқин келиб оларди.

– Бўлмаса қандайдир сабаби бўлса керак?

– Дўстларим билан бирга турмоқчи эдим. – Отасининг савлати ту-

тиб, нафаси ичига тушганча, баъзўр гапира олди Якоб. Сталин икки мартта чуқур-чуқур трубкасини торти. Одатда у жахли чиққанида шундай қиларди. Ўнг қўли билан трубкасини тутганча, чап қўлини кастюмининг олдидаги тугмалар орасига суқиб, – Комунал уйда? Дўстларинг билан? Жиддий айтяпсанми? —деди кесатиб. Ҳали кибр, обрў нималигини билмаган йигит,

– Ҳа. Буни нимаси ёмон? – деб отасига жавдираб қаради.

– Буни нимаси ёмон, – у ўғлининг гапини Такрорлади. Кинояли жил-

Майганча, дивандан унча узоқ бўлмаган, журнал столини ёнидаги Креслодан аста турди. Дераза олдига бориб, қўллари ортга жуфтлаб, жахлдан тушишга ҳаракат қилди. Ва давом этди.

– Якоб Жугашвилли. СССР бош қўмондони, халқлар отаси. Истедод-

ли сиёсатчи ва. х. казо Иосиф Виссарионович Сталиннинг ўғли гимназия ётоқхонасида. Тўғри айтасан, буни нимаси ёмон. Қайтага газеталар учун яхши мақола, тўғрими?

– Ахир ота... – деб, Якоб таклифни изохламоқчи бўлди. Аммо

Сталин жаҳл отига миниб:

– Бўлди қил! Сен кимлигингни унутган кўринасан. Ёки менинг устим-

дан кулмоқчимисан? – дея кафтини унинг юзи олдида тўхтатди. Бу билан унинг оғзига ургандек бўлди. Якоб ҳам отасининг боласи-да, қизиққон. У бирдан ўзига қилинган муомалага беихтиёр жавоб қайтарди.

– Ота, сиз фақат ўзингизни кимлигингизни гапиравермай, менинг

кимлигим ҳақида, менга нима кераклигини ўйласангиз ёмон бўлмасди.

Иосиф Сталин ўзига бундай муомала қилишларига ўрганмаган. Анчадан буён фақат хўп сўзини эшитиб келаётган инсон, жаҳл билан ўғлини ёқасидан тутди.

– Сен бола ҳаддингдан ошма. Яхшиямки ўғлимсан. Бўлмаса... – Якоб

ҳам отасининг қўлларини олиб ташлаб, ҳимояланди.

– Биладан. Бўлмаса ҳозир мени, йўғ-е, жасадимни олиб чиқиб кети-

шарди тўғрими ота? – деди жўжа хўроздек бошини кўтариб.

– Нима истайсан? сенга нима керак? нима етишмайди сенга? – Ўш-

қирди Сталин кўзларини ола-кула қилиб. Якобни ютиб юборгудек.

– Менга отам керак. Қўмондон эмас, – деди-ю, ўзининг гапидан ўзи

қўрқиб кетиб, бир икки қадам ортга тисланди. У отаси унга ҳеч нима қилмаслигини билса ҳам, барибир ҳадик уни тарк этмасди. Балки онасининг, бир пайтлар тўпалон қилганида» ҳали шошмай тур, отанг келсин» деган гапи унинг онгида муҳрлангани учунми, ёки отасига бўлган ҳурматими, хуллас Якоб ортиқча сўзни ичига кўмди-ю, қўлларини муштлаганча ўзининг кафтига бир икки мушт уриб, эшикни тарс ёпиб чиқиб кетди.

М. Е. Массоннинг хати эса стол устида қандай қўйилган бўлса шундай қолди. Уни ўқишга на истаги ва на вақти бўлди Иосиф Сталиннинг.

М. Е. Массон эса хат жавобини нақд тўрт йил кутди. 1936-йил Массон, одатдагидек музейни кўздан кечирар чоғи, бир расмга узоқ тикилди. Суратда жанг тасвирланган, ўша давр одамларининг кўзлари худди нафрат шаробида тўйдирилгандек, қонга тўлган. Бир-бирларига найзаларни ҳеч қандай шавқат, раҳм туйғуларисиз шунақанги санчишяптики, бу манзарани кўриб юрак бир сесканади. Отларнинг одамлар-

ни эзиб, оёқ қўлларини устидан мажағлаб, бу даҳшат ичидан чиқолмай икки оёқлаб кишнаши, у пайтлар нақадар даҳшатли бўлганини намоён қиларди. Бу расмни тамошо қиларкан, Массоннинг хаёлидан Амир Темура ўтди.

– Қандай инсон бўлган экан-а, бир бор. Фақатгина бир бор қабри

очиқ бўлганимда эди, ҳаммасини тушуниб етган бўлардим. – Дея хаёлидан ўтказди. Анчагача ширин хаёллар оғушида ўша сурат қаршисида туриб қолди. Уни ҳаммадан ҳам кўпроқ, Сталин унинг хатини ўқиганмикин деган савол қийнади.

Экспедиция аъзолари

Москвада қор гупиллаб ёғар, Самарқандан фарқли ўла-роқ Москва хавоси аёвсиз ва бераҳм эди. Шундай қишли қировли кунларнинг бирида Кремлда Давлат арбоблари ва ўз даврининг таниқли кишилари даврасида базм қизимоқ-да. Иосиф Сталин ҳар доимгидек зиёфат қаҳрамони. Унга ҳамма лаганбардор, аммо Сталин бунга алданмасди. Аксинча у бундай зиёфатларда ҳушёр қолишга, ҳаммани кузатиш-га ҳаракат қиларди. У ҳатто ўз соясига ҳам ишонмас, дойим ёнида тўппонча олиб юрарди. Шу маҳал меҳмонлар ораси-дан бир киши, ширакайф қўлидаги зарҳал рюмкага қуйил-ган шампан виносини қўлидан қўймай, Иосиф Сталинга са-вол билан мурожат қилди.

– Ўртоқ Сталин, мана биз ҳозир ўртоқ Ворошилов билан тортишиб

қолдик. Кўмондон, яъни бошқарувчи аслида қандай бу-лиши керак? – Сталин атрофга аланглади-да, кинояли жил-майди. Хона гарчи одам билан тўла бўлса-да, пашша учгани эшитиларди. Ўтирганлар шу қадар ҳадик ва катта қизиқиш билан унинг жавобини кутишарди. Ҳамма жим. Сталин бу саволга қандай жавоб қайтаришини ва савол берганга қандай жазо қўллашини тахмин қилган меҳмонларга Сталининг бу жавоби янгилик бўлди.

– Бошқарувчининг оиласи бўлмаслиги, фарзанди бўлмас-

лиги керак. —

Деди Сталин ўзига ишонч билан, қўлидаги шарбат солинган рюмкасини аста хўплаб, стол устига қўяркан.

– Ия унда мана бу аёл ва унинг қўлидаги ким? – Деди четроқда аёл-

лар билан гаплашиб, онасига эркаланаётган Светланани кўтариб ўтирган, юзини табассум ҳали тарк этиб улгурмаган, бахт уммонида сузаётган Надежда Алиуловани қўли билан кўрсата туриб. Сталин ҳамманинг эътибори ўзига қаратилганини кўриб, ўта жиддий ва сиёсий назар билан:

– У менга ҳеч ким эмас. Қўлидаги эса унинг ва фақат унинг боласи! —

Деб гапга нуқта қўйди Сталин. Ҳамма Надеждага Қаради. Надежда Алиулова эса бир зум ўзини йўқотиб қўйди. У Сталин ҳазил қилаяпти деб, умид билан унга қараб турарди. Сталиннинг, Надеждага қараб кулиб қўйишини кутиб интиқиб турарди. Аммо Сталин бояги рюмкани яна совуққонлик билан қўлига олди-да, бир хўплаб жойига қўйди. Йўқ, Надежданинг умидлари пучга чикди, Сталин ҳамон жиддий. Унинг учун бу дунёдаги энг қимматбаҳо, бутун ер куррасини айланиб баъзўр топган зумрат тоши қўлидан тушди-ю, чил парчин бўлгандек. Кечаги ширин сўзлар, меҳрли эркалашлар, ёниб севги исхор қилган кўзлар қани? Надежда меҳмонлар орасида ўзини камситилгандек ҳис этиб, Сталинга бир илтижоли, бир нафрат кўзи билан қараб, болани икки қўли билан кўтарди-да, Сталинга уруш эълон қилган

ракибдек, шидат билан ўрнидан турди. Ўзига хос ўжарлиги тутиб:

– Бўлмаса якка ўзинг яша! Қани кўрамиз нима қилар экансан. Сенга

Керак бўлмай қолдикми ҳали? Биздан осонликча воз кечиб юбораве-расанми? Яхши! – Деб эшикни шунақанги зарда билан ёпдики, тепадаги биллюр қандил тушиб кетай деди. Ўтирганлар буни кўриб лол қолди. Ҳамма бир-бирига маъноли нигоҳ билан кифояланарди холос. Бундан ортиғига ҳеч кимда жасорат йўқ эди. Ўтирганлар бир-бирларига гапириш тугул, Сталинни устидан кулган бўлмайлик деб, ҳатто бир бирларига кўз билан мулоқот қилишга кўрқишарди. Бир неча дақиқалик сукунатни Сталиннинг бор овози билан ҳандон отиб қулиши бузди.

– Ана шунақа. Бизнинг хотин жуда қаттиқ. Унча бунчасини танлама-

ганмиз. Бошқарувчи қандай бўлса, унинг рафиқаси ҳам шундай бўлиши керак. Биз ҳам кўрқамиз ундан. Шернинг хотини ҳам шер бўлади-да. – Деб вазиятдан чиқиб кетди. Хонадаги таранг ҳолат, худди тортилган қайиш бўшатиладек яна ўз ҳолига қайтди. Сталиннинг ёнига Жуков ўтириб, кулоғига «буйруғингиз бажарилди ўртоқ Сталин» деб пичирлади. Сталин унга маъмнун қараб, хонага киришга имлади.

– Хўш Ўртоқ Жуков, ҳисобот беринг. – Деб, у худди унга суюклиси-

дан ҳабар келтирган кабутарга, минг орзу ҳаваслар ичра

уни жажжи қанотларини аста силаб ўпгудек, ҳурсанд Жуковни шоширди. У яхшилаб ўтириб олиб, икки қўлини креслонинг икки четига қуббадек қўйиб, худди шу тобда мазза қилиб кино томоша қиладигандек жойлашиб олди.

– Менга Михаил Массон ҳақида топшириқ берган эдингиз.

– Хўш, хўш? – Деди Сталин эндигина суянган креслонинг лабига

силжиб, масала жиддийлигини ва батамом сиёсий равишда боришини сизди. Ҳозиргина ниманингдир илинжи акс этиб чарақлаб, сал бўлса хонани ёритгудек чароғон тортган кўзлари, дарҳол жиддий тус олди. Жуков қўлтиғига қистириб олган оқ қоғозли, боғичлари тугун қилиб боғлаб қўйилган папкани столга қўйиб, худди кундалигига баҳо қўйди-ришга шошилаётган октябрятдек энтикиб кетарди. У аста тугунчани еча бошлади, ичидан ҳужжатларни саралаб, энг муҳимини қўлига олди-да ўқишни бошлади.

– Михаил Евгениевич Массон ёшлигидан ЎзССРда. Самарқандда

катта бўлган. 1916 йилда, Самарқанддаги ўғил болалар гимназиясини аъло баҳо билан битирган. 1917йил СССР аскарлар депутатлари аъзоси бўлган...

– Қисқароқ қилинг. – Дея бир қўлини унга силтаганча, худди имти-

хонга кирган талаба, хаяжонланиб ёдлаб бераётгандек, гапраётган Жуковни тўхтатди Сталин. Жуков дарров тўхтаб

қўлидаги қоғозни папкадаги бошқа ҳужжатлар устига оҳиста қўйиб, чуқур нафас олиб гапиришда давом этди.

– Қисқаси шуки, Массон тарихчи олим. Унинг аёли Галина Анатоли-

евна Пугаченкова ҳам тарихчи олим. Ҳозирда эр-хотин СССРга қарашли, Ўзбекистоннинг Самарқанд вилоятида, обидаларни ўрганиш билан маш-ғул.

Бу гап Сталиннинг бояги хуш кайфиятини тарқатиб, трубкасини чуқур-чуқур тортишга сабаб бўлди.

– Қизик тарихчи олимларнинг менга хат ёзишга қандай ҳадди сиғди

экан-а? – Менсимагандек қоп-қора, қалин қошларини учириб, Овозини пастлаб Жуковга кинояли қаради.

– Хатни ўқидингизми? – Деди Жуков, худди ҳамма ҳақиқат шу хат-

да-ю, улар бу хатни ўқишса бутун ҳақиқат ойдинлашади-гандек.

– Айтганча хат... унутибман, – деб Сталин илқис ўрнидан турди. У

Стал тортмаларини тортиб хатни излай кетди. Улар хатни очиб ундаги маълумотни ўқидилар ва бир-бирларига жавди-раганча туриб қолдилар.

Хатда Массон Сталинга, Самарқанддаги Гўри Амир мақ-бараси ости-да кон мавжудлига шубҳаси борлиги, ҳалқ ораси-да Амир Темур сағанасига хазина яширилганлиги ҳақи-да гап юришини ва агар бу гап нотўғри чиққан тақдирда,

улар ҳеч бўлмаса Амир Темур қиёфаси ҳақида, унинг тарихи ҳақида ўрганишларини ва тарихга баъзи керакли маълумотларни қўшиш имконияти борлиги ҳақида ёзилган эди.

Сталин, Амир Темур ҳақида кўп китоблар ўқиганини, ёшлигида унинг ўғитларини яширин сақлаганини эслаб, мийиғида айёрона кулиб қўйди. Худди анчадан бери режалаган иши кимнингдир сайи ҳаракатлари билан амалга ошгандек. «кўнгилдагидек иш бўлди» демоқчидек, Жуковга сабаби номаълум табассум билан Буйруқ чиқарди.


Буйруққа биноан Самарқанд экспедитциясига, СССРда таниқли бўлган олимлар ва ёзувчилар. Ўз даврининг етук мутахасислари жалб қилинди.

Жумладан:


Антрополог, ҳайкалтарош, тарих фанлари номзоди, дат-сент, анатомия фанлари доктори, профессор, – Михаил. Михайлович. Герасимов.



Ўзбек-Тоҷик СССР ҳалқ ёзувчиси, адабиётшунос олим,
эски Ўзбек тили ва араб имлоси профессори, – Садриддин
Айний.



Тарихчи олим. Осиёшунос академик – Александр. Александрович. Семенов.



Ўз ЦКВКП аъзоси, математика фанлари академики.
ЎЗСССР халқ ёзувчиси, тарих фанлари номзоди —²Тош-
муҳаммад Ниёзович Ниёзов.



Тарих фанлари номзоди, профессор, археолог, осиёшунос
олим Михайил Евгениевич Массон Ва бошқалар.

² Қори Ниёзий. Таҳаллуסי билан ижод қилган.



Табиийки Михаил Евгениевич Массон ушбу экспедитция бошлиғи этиб тайинланди. Буйруқ кабутар қанотларида парвоз қилгандек эртаси куніёқ Массоннинг қўлига ва бирин кетин экспедитциянинг бошқа Аъзоларига етказилди.

Сталиннинг буйруғини хотинига ўқиб бераркан, Массон тўлқин-ланиб кетар, ора-чора осмонга қараб унсиз, ўзи билмаган ҳолда худога шукр қилгандек бўларди. У буйруқни ярмисига келиб, ўтириб йиғлай бошлади. Рафиқаси Галина эса эрининг шу даражада таъсирланганини кўриб, у ҳам кўз ёшларини тутиб тура олмай, ошхона томон ўтиб кетди. Эгнидан фартугини ечаркан – Нима учун ўзимни тутиб тура олмаяпман? Битта буйруқ учунми? – Деб кўз-ёшларини артди.

У буйруқ учун эмас, илмий экспедитция учун ҳам эмас.

Эрининг, касбдошининг, бир ёстикқа бош қўйган қиёматли дўстининг орзулари амалга ошгани учун кўз ёшини тийиб туролмаганди. Унинг ютуқлари учун ўзи билмаган ҳолда севинаётганди. Бу севинч кўз ёшлари, унинг кўзларидан, тўғонларни бузиб оққан сел каби қўйилиб келаверарди. У эринини ҳолини тушунгандек бўлди. Ва аста шиппагини енгил судраганча чиқиб, уни кузатди. Михаил эса ҳеч нимага парво қилмас, буйруқни бағрига босганча кўз ёшини тиёлмасди. Ўзига келгандек бўларди-ю, бир парча қоғозга қараб, икки жумла ўқимасидан яна хўнграб йиғлай бошларди.

– Бу буйруқни мен нақд ўн йил кутдим. – Деди пиқиллаб, ўша қоғоз-

ни бошидан баланд кўтариб, ҳавода силкитганча Массон. Галина ошхона эшигига суяниб, табассум билан кўлидаги ғижимлаб турган кўк рангли, фартугини кўтариб беихтиёр унинг ёнига отилди. Тиз чўкканча, икки қўллаб Михаилни бошини кўтарди. Шудринг тушиб хўл қилган баргдек, қирқ ёшида, ҳали юзидан ёшлик аломати сўнмаган, жилғадек оқиб, икки юзини хўл қилган кўз ёшларини, қўллари билан енгилгина артаркан, лаблари титраганча қалдирғоч қанотидек қошларини ўйнатганча,

– Сен уддаладинг. – Дея олди аранг. Михайилнинг тили калимага кел-

мас, Фақат кўз ёшларини эрининг юзидан артаётган Галинага мўлтира-ганча бошини чайқади холос.

Экспедитциянинг яна бир аъзоси, Тошкентда ўша пайт-

лар «Фарғона канали» деган хужжатли филм эфирга узатилган эди. Ҳамма бу филмдан таъсирланган экан-ки, ҳатто Сталинни ҳам бу хужжатли филм ўз домига тортибди. Чунки шахсан Сталиннинг ўзи, Малик Қаюмов исмини экспедицияга жалб қилишни таклиф этганди. Абдумалик Қаюмов баланд бўйли, қиррабурун, сочларини ўша замон урфига мослаб таралган, ҳар икки гапнинг бирида ҳандон отиб куладиган, ёш, навқирон йигит телестудияга эндигина ишга кирган эди. Ўзининг тиришқоқлиги ва албатта савлатли кўриниши билан бошлиқларига манзур бўлиб келаётган ёш оператор, Малик Қаюмов.



Тошкентнинг торгина кўчаларидан тош тепиб келаркан, кўк ранга бўяб, хошияларига тилла ҳар юргазилган, тутқи-члари қадимий³Николай давридан қолган, дарбозасидан уй-га кирди. Не кўз билан кўрсинки соч-лари ёйилган она-си, ҳовлининг чап тарафидаги пахса девор тагига қурилган очиқ айвончада ўтирибди. Абдумалик шошиб қолди ва эшикни ёпар – ёпмай онаси томон югурди.

– Ойи, сизга нима бўлди? – Деб онасининг қўлларидан тутди. Аёл

икки қўлини мушт қилиб тиззаларига урганча пичирлаб йиғлар, кўзларини юмиб ўтирарди. Унинг икки ёнидан ўрим қилиб туширилган сочлари, майда гулли рўмолини тагидан қалин бўлиб кўриниб турарди. Ўртасидан очилган фарқидан бир иккита оқ толалар тунги керасин лампа ёриғида бот-бот ялтираб қўярди. Эғнидаги қора нимчанинг тугмалари тақилмаган, ёз кириб келаётганига қарамай ҳали қиш изғиринлари батамом тугаб улгурмаган пайт. У ора-чора кўйлагининг энгига кўз ёшларини артиб олар, энги эса кенглигидан яна иккита қўл сиғгудек эди. Ўша пайтларда аёллар бармоқларини ёпар-ёпмас узун энгли ва ҳаво айлансин дебми, ёхуд шариятда кўрсатилгандек қоматни билдирмайдиган қилиб кийим кийишарди. Қўлларини ушлаб бармоқларини очишга ҳаракат қилаётган Абдумаликни кўриб онаси жон ҳолатда.

– Дард бўлди, бало бўлди! – Деб, Маликнинг юзига шапа-

³ Ҳалқ ичида (оқ пошшо) деб юритиларди.

лоқ тушир-

ди. Кунни билан эшикка термулиб уни кутиб ўтирган экан, унга кўлини пахса қилганча, ўшқира бошлади. Важохатидан дев ҳуркадиган бу нозик ҳилқатни кўриб, Абдумалик онасини танимади.

– Тинчликми ўзи? – деди Абдумалик, жаранглаб тушган шапалоқнинг

Аччиғидан юзини силаб, ҳайрон орқага тисланди.

– Тинчлими дейди-я. Қаерданам сен болани тукқан эканман-а, ёшли-

гингда бўғи-и-и-б ўлдириб кўя қолсам бўмасмиди. Шу кунлар бошимда йўғиди. Шунақаям⁴ажива бола тукқан эканман-ми ё тавба, – ўғлининг бошига енгилгина, меҳр тўла қалбидан аранг сизиб чиққан жаҳлини кўрсатиб, яна уриб кўйди. Аммо бояги жаранглаб кетган шапалоқ, онаи-зорнинг кўлидан чиқиб, ўғлининг юзига эмас, ўзининг кўксига тушган шекилли, бу сафар у йиғлаб юборди. Онасидан ҳеч тайинлик жавоб ололмаган Малик отасига юзланди.

– Ота нима бўлди ўзи? – Отаси бошини эгиб, чуқур хўрсинганча бир

нуқтадан кўз узмай ўтираркан, ўғлига биров жаҳл ва биров ачинибгина кўзларини тикди ва аёлига юзланди.

– Бас қил энди онаси. Ўғлингда нима айб? Бу буйруқ. Бўйсунмаса

бўлмас энди. – Деб ёлғондан ўшқираб кўйган бўлди хоти-

⁴ кўримсиз, шармандали

нига.

– Қанақа буйруқ? Нима бўлди ўзи? Кимдир менга тушунтирадими? —

Деди худди бирон нарсани қотириб, жаҳлини кўрсатаётган эшондек ҳали онасига, ҳали отасига ишора қилиб. Онасининг муштумида, бир қоғознинг учи қўриниб турган экан. Малик бу ўша, ота-онаси боядан бери оғзидан қўймаётган буйруқлигини фаҳмлади-ю, онасининг қўлидан буй-рукни юлқиб олди. Буйруққа асосан, Гўри Гмир мақбарасини очиш ишларидаги барча суратга олиш ишларига маъсул қилинганлиги, бу шахсан Сталиннинг буйруғи эканлиги ва қазилма ишлари май ойидан кечиктирилмаслиги ёзилганди.

Абдумалик Қаюмов хурсандлигидан хандон отиб кулганча, оёғига бир олдидан-бир ортидан уриб сакраб ўйнай бошлади. Бармоқларини юзидан аста сириб, худди аблахга қарагандек нафрат билан тикилиб турган онасини кўтариб олди.

– Онажон нега йиғлайсиз? Ахир бу омадку, шахсан ўртоқ Сталин-а...

Онаси, ўғлининг қўлларидан типирчилаб тушиб олди. Гўё ўғли бирон ҳаром ишга қўл урган-у, энди дуоибат бўлгандек. Ундан ҳазар қилди она. Менга қўлингни текказма дегандек ишора билан қўлларини силтаб ташлади. Ва Маликка қарата бармоғини бигиз қилганча, унинг атрофида ўзи шундоқ ҳам думалоқ кўзларини янаям катта очиб,

– Кўрдийми отаси.⁵ Ийиқ қаерга ийқиса, буларам шуяқа оғади.

Ҳамма бало бунинг ўзида. Хурсанд бўлишини қаранг. Сени шунинг учун туғганманми? – деб бир зумда оқиб тушган кўз ёшларини, бояги бармоқларини беркитиб турган, қўлига иккита келадиган кенликдаги енгини ғижимлаб артди-да, яна гапини давом эттирди.

– Гўрларни очиб, худонинг қаҳрига қолиш учун тукқанманми? Бил-

гандим. Мана шунинг учун йиғлагандим. Бу бола бўлмади, асло бўлмади.⁶ Иланг-биланг йўлдан кетаяпти бу отаси. Гўрни ҳам очиб бўларканми? Бу гуноҳи кабир-ку ахир. Бу ҳукумат бошимизга бало бўлиб келди. Биз бу ерда⁷инжирғамиз чиқиб ўтирсак-ку бу кишимни парвойи палак.

Малик Қаюмов энди энсасини қотириб уф тортди ва белидаги камарига осилиб, қийшайиб турган дала қўриқчисидек онасига ақл ўрга-тишга тушди:

– Ойи нега дойим нолийверасиз? Эскича гапирманг, бир ҳил сўзлар-

ингиз бирам кулгилики, тушунолмай қоламан, гоҳида.

– Хо-о, эшитиб катта бўлган она тилларини тушунмай қолдиларми

тўрам? Русча бўлса силарга-а. Замонавий тилда гапирса

⁵ оқим

⁶ эгри- бугри

⁷ сиқилиб

хамма. Русча алла эшитибмидингиз мирзабоши? – Деб кесатик охангида унга қошлари-ни учуриб, лабларини чўччайтириб, қўлини белига никтаганча, бир қўли-нинг бармоқларини ўйнатиб, гап билан чунонам узиб олди онаси.

– Нима ёмонлик қилди сизга хукумат? Феодал бойлардан қутилдик.

Арзончилик замонда яшаяпмиз. Авваллари оғзи ош кўрмаган бобо-ларимиздан фарқли ўлароқ, ҳозир оддий ишчининг уйида ҳам гўшт, қаймоқ ва. хо. казо юрган эдинглар паранжининг ичида бўғилиб, осмонга бемалол қаролмай. Ҳозир эътиборингиз учун, қизлар ҳам эркаклар билан бир сафда ўқишяпти, ишлашяпти.

Онаси бир қошини кўтариб, – ол-а – деди, хонтахта устидаги пиёлани олиб, ичидаги аллақачон совуб улгурган чойни сепиб юборди.

– Ўлсин қизлар ўқимай. Сен менга зўр бериб мактанаётган бу КОМУ-

НИСТИК партиянг, бу дунёда⁸иллалабад қоламан деб ўйлаётган, шай-тоннинг ноғорасига ўйнаётганларинга заб маъқул замон бўлди-да. Сен-ларга клублардаги⁹издиҳомлар бўлса-а. Бошимдан паранжини ечиб олиб менга ҳаво бердим деб ўйлаётган бўлсанг билиб ол, беш кунлик бу¹⁰дилкушо ҳавойингни у дунёда, ҳар бир тола сочимни, ҳар бир нигоҳим-нинг

⁸ Абадий. Умрбод.

⁹ Тўпланган оламон.

¹⁰ Хузурбахш.

номаҳрамларга очиб юрганам учун бурнимдан булоқ бўлма-сайди зора.

Малик даб-дурусдан юзига сепилган чойни артаркан, қўларини сочиққа артиб, пича жаҳл ва йигитга хос қўполлик билан, содда, гўлгинам дегандек юзидаги чой шамасини артганча меҳри тўлиб қаради ва онасига бошқа гапиришни фойдаси йўқлигини, уни тинчлантиришнинг биргина йўли «хўп» дейиш деб ўйлади ичида.

– Менда нима айб? Мен бориб «мени ҳам қўшинглар» демадим-ку

ахир. – деди жиддий бир нарса бўлмаганидан хотиржам тортиб, супага чўкканча оёқ кийимини ечаркан.

– Демадинг. Тўғри демадинг аммо сен ҳам шуларга ўхша-шга ҳаракат

қилипсан, иқтодо қилипсан. Худо беҳабар бу кофирларга эътирозинг йўқ. Бошингга кийган бу матоҳинг нима? – деб у Маликнинг бошидаги кепка-сини нафрат билан, қошларини баланд-паст қилиб, бир уриб туширди-да, ўчмаган пати-фон каби яна сўзида давом этди.

– Ота бувангни дўпписини шу латтага алмашдинг, индамадим. Ҳа

Замон-а дедим. Намозку олтинни беркитгандек алағда бўлиб ўқиймиз. Китобимизни кўрқиб кўмиб ташладик. Илоё бир фалокат келмасин дея эрта-ю кеч сўрайман яратганимдан. Энди болаларимизга гўр титкилаб ота-буваимизни руҳини чирқиратишга бошляптими бу ҳукумат? Қани тилим

бўлса-ю, бу¹¹ажриқлардан дод солсам. Ё Аллоҳ дардиҳолим ўзинга аён. – Энди унинг овози ўзи ҳохламаган тарзда кўтарилиб бораверди. Малик ва отаси эшикларни шоша-пиша ёпишди.

– Секинроқ гапир,¹² чиқонларингни қулоғи динг. Биров эшитмасин,

худони тилга олма. Бўлди энди¹³гарданкашлик қилма, ўзингам роса¹⁴гажирсанда онаси. – Деб оғзини беркитди.

– Она, ахир мен гўрни очмасам, фақат суратга оламан холос-ку, нега

бунча куюнаси? Бир бало бўптими дебман йиғлашингиздан.

Боласининг шариат маън этган ишларига бу қадар енгил қарашини кўриб, она бир зум боласига ҳайрон назар солиб туриб, энди унинг ростакамига жаҳли чиқди.

– Эй бола, – деди у Маликни енгига чангал солиб. – Бало нималигини

сен қаёқданам билардинг. Сенларга ишқ муҳаббатдан бошқасини танитмаяпти-ку бу ҳукумат. Икки калима сурани билмайсан, бало мана шуда. Сен очдинг нима, очмадинг нима тепасида турдингми, сен ҳам кофирсан тамом. – дея икки кўли билан, гапим тугади, у ёғи ўзинга хавола дегандек,

¹¹ Эгатда ўсадиган ёввойи ўт.

¹² Дугона.

¹³ Кўзгалончи.

¹⁴ Ўжар.

кафтларини ўғлининг юзига пеш қилди.

– Қўй онаси, қаттиқ қарғама, – деди бошини қуйи солиб, индамай

ўтирган отаси, онасининг гапидан сесканиб кетди.

– Қарғганим йўқ отаси. Мен онаман ўз боламан қарғайманми? Буни

шу тобда қайтармасангиз, эрта-индинга болаларининг ва набираларининг қарғишига қолади, — дея унга қўлини бигиз қилди. – Бу¹⁵ дўсара алалабад шундай ёш бўлиб қоламан деб ўйлаяпти. Умр шундай деб ўйлаяпти. Қоронғу қолган юртда, қора шақшақ подшо бўлур деган экан машойиҳ-лар.

Малик кулиб, худди бир оми аёлнинг арзимаган нарсага қилаётган жанжалини қаранг дегандек, бошини силкитиб онасига масҳаромуз аммо меҳрли юзланиб:

– Фантазёрсиз-а ойи. – деди жилмайиб.

– Ҳа кул, кул сенга ҳозир кулгили. Эртага катта бўлиб болаларинг,

болаларинг бўлмаса, набираларинг сендан «ота ёшлигингизда ота-онангиз сизга шариаътни тушунтиришмаганми? Ҳалол-ҳаромни фарқини айтишмаганми» Деганида кўрамиз ҳолу-ахволингни.

– Нималар деяпсиз ойи, бу нарсалар эскиликда қолиб кетди. Ҳаёт ол-

динга олға босаяпти. Менинг болаларим сиз айтаётган нарсалар нима-лигини ҳам билмай ўтса керак. Агар бирон-

¹⁵ Содда, гўл.

таси бир тарихчи бўлиб етишмаса, —деди ишонч билан.

Онаси йўқ дегандек бош чайқади, кўлини ўғлига адил узатди-да, кўрсаткич бармоғини теппага қаратиб,

– Аллоҳ ўз номини, ўз динини ерга кўмдириб,¹⁶ забҳ қилиб

қўймайди. Мана кўрасан мени айтди дерсан, ҳали шундай замон келадики, бугунги кийган кийимингдан ор қилиб қоласан. Бу кунлар ўткинчи, биз мусулмонларга азмоиш бу, шу¹⁷азмоишларга алданиб¹⁸дахрий бўлиб қолма болам. – деди онаси.

Онасининг гапларидан завқланиб, илжайганча хонага кириб кетаётган ўғлининг кетидан зорланиб қолди.

Худди шу дамда Экспедитциянинг Яна бир аъзоси Садриддин Айнийнинг эса уйида сал кам тўй-тантана. Садриддин Айний ўз даврининг етук намояндаси, бир қанча асарлар муаллифи, ўткир қалам шоир, адабиётшунос олим ҳам эди. Тожик, Ўзбек Рус, тилларида бенуқсон гаплаша оладиган, араб алифбоси билан ҳам яхшигина таниш эди. Ёши анча кексайиб қолгани учун, оёқ оғриғидан хассага тираниб юрар, чаккаларини ёпиб кетмаган, бир уюм бўлиб ўсган соқоли унинг қиёфасига донолик бахш этарди. Буюк иш олдидан ҳамкасбларни, шоиру ёзувчиларни йиғиб зиёфат берди. Зиёфат қизиби, шоирлар янги шерлари билан мақтанар,

¹⁶ Курбон.

¹⁷ Синов.

¹⁸ атеист, кофир, динсиз.

ёзувчилар устоз Айнийга тилаклар билдириб уни қутлашарди.

Айний ўзининг буюк асари, бу Темурланг гўрининг очи-лиш бўлишини ҳамкасблари ва шогирдлари орасида қайта-қайта такидларди. Ҳар гапирганида соқолини пастга си-лаганча, бошини эгиб мулозамат қилиб кўярди. Бутун дунёга бундай жохил инсон ҳақида мисли кўрилмаган асар тақдим қилишини, кўпиртириб гапирди ўз сўзида. Ва экспедитция ҳақидаги мақоласи ўзини кўп кутгирмаслигига ваъда қилди.

Экспедитсияда ҳаммадан кўра муҳимроқ инсон Михай-ил Михайлович Герасимовга эса бу иш оддий экспедитция эди. Ҳар дойимгидек ишдан келаркан, бир финжом иссиқ қаҳва билан, «Комсомолская Правда», «Большевик», (ўша давр рўзномалари) рўзномаларини олиб мутоала қилди.

Унинг думалок, лўмбиллама юзи, бошининг пешонасидан бошлаб чаккасига томон тўкилишни бошлаган сочлари, ҳар гапирганида силкиниб турарди. Кўзларидан эзгуликка ошно қалбини кўриш учун тажрибали психолог бўлиш шарт эмас-ди. Ҳаётидан ҳамиша маъмнун бу шахс аёлининг эътирозла-рига ҳазиломуз ёндошарди. У, ҳукумат тарафдан ўзига ажра-тилган камтарона икки хоналик квартирасида, ҳам ишларди, ҳам оиласи билан яшарди. Ҳашаматга берилмагани туфай-ли унинг уйида энг қимматбаҳо нарса, хотининг кийимла-ри-ю, антропологияга тегишли маҳсус лойлар эди. Сталин-нинг буйруғи эса токчага қандай қўйилган бўлса шундай, то тонга қадар ой нурида қолди.

Эрта тонг, у уйида қизини тиззасига олиб, ошхонасидаги жавон устида турган бир қанча суяклар, орасидан бош чаноқни олиб столга қўйди-да, иккита болдир суягини олиб қўғирчоқ сифатида қўллаганча қизига эртақ айтиб берди. Герасимовнинг бу қадар беғуборлиги, атроф мухитга умуман беэтиборлигидан, илмдан бошқа нарсанинг унга қиймати йўқлиги хотинига ёқмасди.

– Михаил, ишхонангдаги ишларни уйга олиб келишни бас қилгин ил-

тимос. – Дея энсасини қотириб, эрига юзини бурди Рафикаси.

– Нега? Сенга ҳалақит беряптими? – Деди Герасимов, қизини қаттиқ

қучоқлаб хотинига терс ўгирилганча.

– Ҳалақит беряптими? Шу ҳам саволми, албатта ҳалақит қилади-да.

Ошхонага бир чиройлик идиш қўёлмасам, ҳамма ерда бош чаноқларинг. Қизимиз қўғирчоғини эмас, сенинг артифактларинг билан ўйнапти.

Этаги бурмали, дидрон материалдан куни кеча ательедан олиб келган, лола гулли халатини кўз-кўз қилганча, сочларига бегуди ўраб, лабларини эрта сахардан қип-қизил қилиб олган, юрганида худди подиумга чиқаётган моделдек виқор билан, гоҳ у ёнга, гоҳ бу ёнга товусдек товланиб, қаддини ғоз тутганча, келди. Четларига қўлда тўқиб, ўта юксак дид билан ҳошия берилган, оппоқ дастурхон солинган стол устига,

қўлидаги ликобчага терилган қолбаса ва сарёғни зарда билан қўйди. Ошхонадаги тиқилиб қолган, газ плитасидан бор йўғи ярим қадам узоқдаги столга, хона торлиги туфайли ҳар ўтганда эшикка урилиб кетарди. Аёл нозланганча юзини буриштирди.

– Бўлди, бўлди азизам, бошқа олиб келмайман. Ошхона-мизни, сенинг

Чехия идиш-товоқларинг билан ясатамиз, – деди унга, мазах қилгандек, чиройли аммо бефайз совуқлик қамраб олган юзига табассум югуртириш мақсадида Герасимов. У нонуштасини чала-пуча қилди-ю, тиззасида ўтирган қизчасини эркалаб, ёнидаги стулга ўтқазди. Шоша-пиша кийина бошлади.

– Қаерга? Ҳали нонушта қилиб бўлмадинг-ку.

– Ишларим кўп. Ўртоқ Сталинни буйруғига асосан, Самарқандаги

экспедитцияга тайёргарлик кўришим зарур. Унинг устига институтда бир нечта туганланмаган ишларим бор, уларни тугатишим керак. Майли азизам, кечқурун кўришгунча. У оғзидаги, ҳали чайнаб бўлмаган бутербродини чайнашда давом этганча, эгнига енгил куртчасини, ёмғир ёғиб қолишидан эҳтимол қилиб кийди-да, чиқиб кетди.

Мотам

Москвада ҳаво ўша кун бирданига совуб кетди. Оппок қор, Москвани забт этгандек атрофни қоплаган, одамлар узун қўнжли этиклари билан қорни босар эканлар, тизза баробар ёққан қор этик қўнжларидан кириб кетаяпти. Аёллар, болаларини чанғига қуббадек ўтқазиб, оғзига шар-фини қаттиқ боғлаганча, боғчага йўл олган. Катта асфальт йўлақларни, қор қуровчи машиналар икки четга сидирганча қураб бораяпти. Бошларига телпакларини бостириб, эғнига меҳли пўстинларни кийиб ишга югураётган одамлар, узоқдан қўнғир айиқчаларни эслатади. Кечга бориб совуқ янаям кучайди.

Паст тембрдаги овоз ҳам, худди мекрафонда гапираётгандек акс садо берадиган кремлнинг бефайз хонасида, Сталин иш Столи ортидаги деразадан осмонга боққанча кечаги зиёфат ҳақида, Надежданинг зардаси ҳақида, умуман СССР-нинг келажаги ҳақида хаёл суриб, қўлларини ортига жуфтлаганча ҳаракатсиз, табият мўжизасини кузатарди. Георгий Жуков кетишга изн сўрагани, Сталин бош чайқади аммо ўгирилиб қарамади ҳам. Жуков, Семен Тимошенко, Ежовлар бирин кетин чиқиб кетишди. Улар кетгандан сўнг, Сталин анчагача ухлолмади. Бироз китоб ўқиди. Китоб ҳам унинг қалбига оро кирмагач, у ўзининг хуфия хонасига кириб кета туриб, ойнадаги парда ортида кимдир борлигини

сезиб қолди.

Соат алла маҳал, ким бўлиши мумкин? Ҳамма алла қачон уҳлаб бўлган. Кремлнинг бу совуқ, қўрқинчли хоналарида, айниқса Сталиннинг хонасига ким ҳам киришга журъат қила оларди? Бу ерда бир гап бор, ёки бу суюқасдмикин. Тун ярмида унинг хонасига ўғринча киришга кимнинг журъати етти экан? Шу хаёллар билан Сталин ҳеч иккиланмасдан, ёнидан тўппончани чиқариб, огоҳлантириб ҳам ўтирмай ўқ узди.

Ўқ ўз ишини қилди. Парда узилиб, унинг ортидаги жасад бўй баробар ерга йиқилди. Ерда ётган, карнизни девордан суғириб тушган парда орасидан аёл кишининг инграган овози эшитилди.

– Ҳизматчилардан бири экан шекилли. – Деб, худди ўлжасини қоп-

қонда кўрган овчидек, хурсанд яқинлашди. Тўппонча учи билан қонга беланган парданинг бир четини очди. Кийим жуда таниш. Унинг кўзлари ўлжага яқинлашаётган қоплондан, дарров жавдираган охуга айланди.

Ҳа, у кийм Надеждага тегишлилигини ва шу киймни бир пайтлар унга ўзи совға қилганини эслаб, Надя кийимини аллақачон кимгадир совға қилган бўлсину, ўша киймни кийиб олган хизматчилардан бири бўлсин деб нола қиларди ичида. Сталин жон ҳолатда пардани олиб ташлади. Не кўз билан кўрсин-ки, бу унинг хотини Надя эди.

– Надя-я-я... азизам-м-м. – Деб бор овози билан бақириб

юборди.

Унинг овози шу қадар жаранглаб акс садо бердики, бами-соли эшикдан чиқиб, кремлнинг ўша совуқ, кимсасиз йўлакларида сайр қилаётган дайди шамолдек, ҳар томондан эшитила бошлади. Надянинг кўксидан отилиб чиқаётган қонни кўриб, Сталин шошиб қолди. Нима қиларини билмай бир кўлидан, бир сочларидан силай бошлади. Надя жон талвасасида эридан кўзини узмас, ёрдам сўраб, раҳм истаган охудек мўлтиллаганча қон ютарди. У Надяни кўтариб диванга ётқизди.

– Азизим... Шу қадар бераҳммисан? – Кўксига теккан ўқ зарбидан,

шу икки жумлани жон талвасасида аранг айта олди.

– Йўқ ...йўқ. Мен билмай қолдим ишон..., – дея олди Сталин. қўли-

да жон бераётган, хотинига қандай ёрдам беришни била олмай, худди уни қаттиқ қучоғига олса, у ўлиб қолмайдигандек.

– Биргина гапим учунми? – Деди оғриқдан титраб кетаётган лаблари-

ни баъзўр ишлатиб, оғзига қон келаётган Надя. Унинг сўзлари борган сари чалкашиб, овози худди узоқлардан келаётгандек баъзўр эшиталарди.

– Йўқ. Йўқ. Нималар деяпсан азизам. Мен... билганимда эди..., – деб

минг афсуслар билан бошини сараклаб турган Сталин,

Унинг қўлидаги қогозни кўриб, қўлидан юлқиб олди.

– Нима бу? – Шусиз ҳам жон оғриғидан кўзлари юмилиб бораётган

Надянинг бу саволга жавоб бериши осонми. Жон аччиғи-да, ҳатто ортиқча нафас олаолмаётган Надяни кўлларидан ушлаб бир силкитти ва саволни яна такрорлади.

Одатда Сталин ҳужжатларига текканни ёмон кўрарди. Бу ҳужжат унинг Столидан олинганини билиб, хотини жон таслим қилаётганини ҳам унутди.

– Менга... хиёнат қилаяпсан деб, хонанагдан шу қогозларни топиб ол-

гандим. Эндигина ўқиётганимда қадам товушингни эшитиб, беркиниб олгандим. – Деди эрининг қистовига жавобан Надя. Шу икки оғиз сўзни айтиш, унинг учун жаҳаннам азобиغا тенг бўлди. У ҳар икки жумланинг бирида аранг нафас олар, лабларини бот-бот ялаганча яна сўзларди. Сталиннинг бешавқат кўзларида, яна меҳр учқуни порлади.

– Азизам, чида ҳозир врач келади. Ким бор-р-р? Тез ёнимга келинг-г-

г! – Дея бақирди Сталин. Надежда унинг қўлида борган сари кўзлари юмилиб борар, энди ҳатто кипригини кўтаришга-да мадори қолмаганди. Совиб келаётган танасини иситиш мақсадида, Сталин унинг кўлларини ишқалади, уни бағрига сўнги бор босаётганини ҳис қилган сари унсиз, ундан «мени ташлаб кетма» дегандек, бармоқларини бирма-бир ўпиб, унга илтижоли боқарди. Ҳаракатсиз, ҳатто нафас олмаётга-

нини сезган Сталин Надянинг юзига уриб кўрди. Уни силкитиб кўрди. Энди гапириш тугул ҳатто ихрамас, киприкларини ҳам қимирлатмасди. Надянинг жони узилга-нини билган Сталин уни диванга юз тубан ётқизди. Икки қадам ортга тисланиб, қўлига ўша машъум, совуқ тўппончасини, титраган қўллари билан ердан кўтараркан, аламли кўз ёшлари мўйлабидан томчиларди. Кўзида ёш билан Надянинг пешонасига яна бир ўқни жойлади. Ва тўппончани кийими билан артган бўлиб, Надянинг қўллари остига минг афсуслар ичра ноилож, қўлларининг ўзи ҳавода тебранганча, ўша совуқ куролни ерга ташлади.

Никита Хрущев, Ежов ва хизматчилар, кириб келганида Надежда Алиулова аллақачон жон таслим қилиб бўлганди. Сталин эса унинг жасади олдида тиз чўкканча, бошини қуйи солиб, унсиз йиғларди.

– Нима бўлди? – Деб Никита Хрущов ҳаллослаганча кириб келди.

Эшик олдида нафас ростлади-да, атрофга кўз югуртирганча майда қадамлар билан юриб кела бошлади ва жасадни кўриб таққа тўхтади. Эгнидаги костюмини, югураётиб кийиб олганми, ёқавайрон, бир енгидан астари чиқиб ётарди. Сталин ўнг қўлини кўтариб, диванда юз тубан ётган Надянинг жонсиз жасадини кўрсатиб бошини кўтармай йиғлашда давом этди.

Ўнг қўли ерга осилганча сизиб чиққан қон, бармоғининг учида қотиб қолган. Гиламга, челақдан қуйгандек қон син-

гиган. Диванда ётган жасаднинг фақатгина пешонасигагина сизиб чиққан, аммо диванни булғаб улгурмай қотиб бўлган. Ва жасаддан бир икки қадам нарироқда, карнизи билан полга юлиниб, қонга беланган пардага ишора қилганча:

– Бу қандай юз берди? – Деганди Никита Хрущов, рафикасини жон-

сиз қўлини қаттиқ сиқиб, мушукчадек йиғлаб ўтирган Сталин, Хрущовга аста, қошларини чимириб ўгирилди-да, бурнингни сукма дегандек озгина зарда ва киноя билан:

– Ўзини ўзи отди. – Деб изоҳ берди. Никита Хрущёв билан Ежов дар-

ров бу кинояни англашди ва албатта суд мед экспертлар ҳам Надежда Алеулованинг кўксидаги ўқ изи ҳақида бирорта хужжатга, худди Никита Хрущевдек қайд этишмади. Ўлим қоғозига “ юрак хуружи» деб қайд этишдан бош тортган врачлар эса ўша тундаёқ отишга ҳукм қилинди. Хужжатга Сталин берган изоҳнинг ўзи кифоя бўлди. Бу хабар тонга қадар ҳаммага тарқалди.

Кремлдан қўнғироқ бўлганида, Жуков ухлаб ётган эди. Бу хабардан у ўрнидан сакраб турди. Ва телефоннинг трубкаси унинг қўлидан тушиб, бурмали сими, пружинадек осилиб қолган трубкани сакратарди. Бу шум хабар уни эсанкиратиб қўйди. Жуков Сталиндан ҳамма нарсани кутиши мумкин эди-ю, аммо буни ҳатто хаёлига ҳам келтирмаган эди. Трубка ортидаги Власик Николай Сидрович, Жуков уни аллқачон эшитмаётганидан хабари йўқ, тафсилотларни баён

қиларди. Жуков ўзига келгач, трубкани олиб гапириш ўрнига, уни жойига қўйди. Ҳали тамомила ўзига келмасдан кийина бошлади. У кўзини бир нуқтадан узмай, нималарнидир ўйлаганча, енгига қўл тикаркан, ҳеч нимадан беҳабар, ярим кечадаги шитир-шитир овоздан рафиқаси уйғониб кетди.

– Нима бўлди ўзи? Қаерга шошиб кетаяпсан? Соат энди-гина тунги 3

бўлди ахир. – Деди ўрнидан турар-турмас, бир ёнбошга тиралганча. Кўзларини ишқалаб, каравот ёнидаги, тумбочка устида турган кўнғироқли соатга қаради.

– Сталин, рафиқасини отибди. – Деди Жуков бир нуқтага тикилганча,

олди тугмаларини пала—партиш тақаётганини ҳам сезмай. Хонадаги ойнага қарарди-ку, аммо хаяжонланганидан, ўзидан бор йўғи бир қадам наридаги чироқни ёқиш хаёлига ҳам келмасди.

– Нима? – Дея ўрнидан сакраб турди Жуковнинг рафиқаси.

Устидаги кўрпани, мағизини тишлаб хаёлга чўмди. «Ахир сир очилиб-ди-да» – деди у ичида. Накежданинг шахсий хаётига оид қандайдир сирга гувоҳ бўлгандек.

– Ҳа шундай. Отибди. —Деди Жуков, хаёл суриб турган хотинига

аҳамият ҳам бермай. Бу гап Жуковнинг рафиқасини сергак торттирди.

– Бор йўғи бир гап учунми? – Деб эрининг кўзларига, худ-

ди билса

Айтаман, билмаса индамай қўя қоламан дегандек, қаради. деразадан тушиб турган ойнинг хира ёғдусига қоникмай, ёнидаги тумбанинг устида, иккита миттигина хайкалчага ўрнатилиб, устига баҳрамалар билан безатилган тунчирокни ёкди.

– Билмадим. Мен боришим керак. – Деб Жуков, фақатгина ойнинг

шуъласи ва тунчирокнинг бор йўғи бир китобнигина ёришиб бера олади-ган нуридан хира тортиб кўрсатаётган ойнага қараб, сочларини тўғрила-ди-ю, чиқиб кетди.

Бу хабар, бутун СССРни оёққа турғазди. Ҳалқлар отасининг аёли ўлибди деб, сиёсат оламига тегишли барча, бирин-кетин, узоқ-яқиндан, таъзияга кела бошлади. Сталин тобут тепасида Надянинг совуқ дийдорига тўймасди. Шўппайиб қолган ола қарғадек, энди то абад очилмайдиган, табасум ҳадя этолмайдиган, Надянинг юмуқ кўзларидан бир зумга бўлса-да, кўзларини узмасди.

Ўғли Василий анча катта бўлиб қолганлиги учун онасининг тобути ёнида туриб кўз ёш қиларди-ю, аммо бола эмасми дарров нималаргадир чалғиб кетарди. Қизи Светлана Алеулова эса ҳали жуда кичкина, ҳаётида нима юз берганини тассавурига ҳам сиғдира олмайди. Кимдан жудо бўлганини, найинки одамлар, балки бугун фалакнинг гардиши ўз ўқидан чиқгудек чир айланаётганини, самодаги булутлар ҳам унга мунгли боқиб, жамийки жонзот унга сабр тилаёт-

ганини тушунмасди. У ГУМнинг орқа тарафида, дугонаси билан ўйин ўйнади. Энагаси эса бугун унга ҳар қачонгидан кўра самимий кўзлар билан боқар, унга ҳар дойимгидан кўра мулоҳим ва меҳрибончилик кўрсатарди.

Шу маҳал дугонаси, Светлананинг энагасидан ГУМда нима бўлаётганини сўради. У анча эсини таниган қиз эди. Вазиятни билганида эса, Светланага ачиниб ўсмир қизнинг қалби ларзага келди. Унинг қаршисида, эрта тонгдан уйқусини бузиб, кийинтириб олиб келишган, шошилишда, бошидаги лентаси яхши боғланмаган қизалоқ мўлтираганча турарди. Ҳар сакраб, оёқлари остидаги кичкина тўпини тутаман деб югурганида, сочининг бир томони силкинганидан бўшашиб қолган.

Бу беғубор қизалоқни, кундузи офтобидан, тунда ойидан жудо қилишганини тушунмасди. Энди у кремльнинг ҳар бир хонасини кезиб чиқганда ҳам, кремль нима, дунёни остун устун қилганида ҳам ўша самимий, ҳақиқий муҳаббат ила уни қучадиган, юзларидан бор меҳрини лабларига жамлаганча, жон-жаҳони билан ўпадиган, йиғлаганида эрка-лайдиган, чиқса бир кафтга сиғадиган юрагининг қайноқ тафтида бола-ларини бутун оламдан ҳимоя қилишга-да қодир, онасини топа олмайди. Ўсмир қиз, буни у англаб етмаётганини ўйлаб жон ҳолатда уни қаттиқ қучганча, астойидил йиғлай бошладди, – Нима бўлди, сени ким урушди? Нега йиғлаяпсан айт ҳозирок отамга айтаман отиб ташлайдилар. – Деб болаларча беғуборлик билан уни овутишга тушди жажжи Светлана.

Тортишув

Ўша машъум тонг, Сталиннинг сўққабош келажагини бошлаб берди. Сталин учун йиллар, энди Надежда Алеулова-сиз ҳеч қандай маъно касб этмас, рангсиз ўтиб борарди. Энди, унинг болалари ва Грузиянинг чекка шаҳарчасида жойлашган Горидаги онасидан бошқа ҳеч қандай яқин кишиси қолмади. Йиллар унинг, бир замонлар бахтдан порлаган кўзларини анча сўндирган. Уни янада ҳиссиз ва бешавқат инсонга айлантирган эди.

Иосиф Сталин, ўғли Якоб билан муросаси тўғри келмасди. Сталин ота бўлгани учунми, ёки сиёсатга таълуқли иш бўлганлиги туфайлими, бу муросани яширишга уринарди. Иосиф Виссарионович ҳарчанд ҳаракатда бўлмасин, Якоб отасининг оёғига болта ураверарди. Ёзнинг илиқ кунларидан бирида:

– Ота, мен уйланмоқчиман! – Деди Якоб. У энди аввалги содда, ўс-

мир йигит эмас, 17—18 ёшлардаги забардаст йигит эди. Энди унинг овозида аввалгидек титроқ, ва андиша қолмаган. Рус тилини ҳам анча ўрганиб олган. Қаддини ғоз тутганча отасининг ҳаракатларини кузатиб, унинг нима фикр билдиришидан қаттиқ назар ўз фикрида қолишини кўнглига тугиб турганди. Отаси эса бош кўтармай, мийиғида кулиб қўйди.

– Ўғлим, сен энди 18-га кираяпсан, ҳали ўқишинг керак.

Қолаверса

оила дегани ўйин эмас. Ишлашинг, оилада рўзгор тебратишинг керак бўлади. Бирор бир касбни эгалламай туриб қандай ишламоқчисан ахир? Қани айтчи, иш танлаганда ўзингни ким деб таништирасан?

– Кимга?

– Кимга бўларди, масалан иш қидираяпсан, ким бўлиб ишламоқчи-

сан? – деди Сталин кинояли жилмайганча, трубкага солинган тамакисини оғзига олиб бориб, ўтирган креслосига суянаркан. Якоб эса унинг рўпарасида, бир оёғига тиралганча, азбарои озғинлигидан белидан тушиб кетай деб турган чарм қайишини тўғрилади-да.

– Ота, мен ахир халқлар отасининг ўғлиманку, ишлашим шарт эмас. —

деди қўлларини икки четга ёзганча, – биргина ишорангиз бўлса бас! – Бошидаги кепкасини ёнлатиб қўндириб олган Якоб, уни бошидан олди-да, мийиғида кулганча қоқа бошлади. Сталинга, унинг бу ҳаракати ёқмади. У дарров жиддийлашиб трупкани оғзидан шартта чиқарди ва креслонинг лабига илкис қўзғалди.

– Ўзингни йўқотма бола. Ким бўлган тақдирингда ҳам халқ билан бир

маъромда яшайсан. Уқдингни? Менга суяниб яшайман деб хом хаёл бўлма. Ўқийсан, касб ўрганасан! Ҳамма қатори яшайсан! – деб бошини эгди. Оз бўлса ҳам ҳовуридан ту-

шишга ҳаракат қилиб уф тортди, ўзини чалғитиш мақсадида, иш столидаги ҳужжатларни қўлига олди. – майли, кимнидир кўз остинга олган кўринадан-а. – Деди совуққонлик билан ҳужжатларга имзо қўя туриб, бошини бир зумгагина кўтариб, қаршисида бошини эгганча қийшайиб турган Якобга ўғринча қараб қўйди-да, яна ишга шўнғиди. Вазият бироз юмшагач, қўлидаги катта қоғоз папкани четга сура туриб, табассум қилди. Табиятан ўта жиддий бу чехрага бироз табассум айни муддао бўлди.

– Ҳа албатта, – деди Якоб кепкасини қўлида ғижимлаганча отасига

кўз қири билан ўғринча нигоҳ ташларкан.

– Ким экан у? – деди у, ўғлига бир қошини кўтариб, хазиломуз табас-

сум билан, унинг, эндигина юзига югирган андишадан яшираётган, гилос донасидек тим қора кўзлари билан Якобнинг кўзларини тутишга уринарди,.

– Бугун кечга уни олиб келаман. – Деди қизариб кетган Якоб.

– Шу ергами? Ўғлим бу кремл. – Такидлаб, қанчалар эҳтиёт бўлиш

кераклигини эслатиб қўймоқчи бўлди Сталин. Якоб эса дарров хафа бўлди.

– Нима қибди? Ахир бу ер менинг ҳам уйим эмасми? – эндигина ий-

маниб, ўзини панага олаётган Якоб, «отам мени менсима-

гандек, танлаганимни ҳам менсимаяпти» деб ўйлади. У нафақат ўз отасининг балки, ўн бешта республикани отаси қаршисида эканлигини ҳисобга олмади.

– Сенинг ҳам уйинг албатта, аммо аввал уни суриштириш керак. Ким

у? Ахир кремлга ҳаммани ҳам олиб киравермайсанку. – Деб Сталиннинг овози ўзгарди. Лекин отаси уни ранжитгиси келмадими, балки уни эмас, ўрталаридаги ўзи шусиз ҳам одамларга эриш туюладиган мураса авжига чиқиб кетмасин дедими, хуллас баҳслашмай қўя қолди.

– Нега энди? У менинг аёлим. – Зарда қилди отасига Якоб, худди у

билан керак бўлса жанга чиқгудек.

– Бўлажак аёлинг! – Деб урғу берди унинг гапларига Сталин.

– Йўқ. Айнан аёлим! Биз кеча турмуш қурдик.

Иосиф Сталиннинг бошидан бир челак сувни ағдариб юборгандек, кўл оёғи бўшашиб, ўзига нисбаттан ҳурматсизликни қабул қила олмай, Якобга кўзларини ўқдек қадади-ю, қўлида ушлаб турган ҳужжатларни қаттиқ ғижимлади. Ва бор ғазаби билан уни ўғлига отди.

– Йўқол кўзимдан нонкўр. Ўғлим эмас, исқирт хайвонсан! Отанг ким-

лигини унутдингми аблах. – деганча, ғазаби кўзиб бор овозда ўкира бошлади. Якоб қочган бўлиб, ортга бир икки қадам ташлади-да, отасига:

– Афсуски унутганим йўқ. Ва истасам ҳам унутолмасдим. Нега бу во-

қеа сизни шунчалик ғазаблантирди? Негалигини айтайми? Чунки бутун СССРни титратган золим, бугун ўз пушти камарига кучи етмаяпти. Ҳа, ҳа етмади, мен сизни доғда қолдирдим ота. – деди нафрат тўла табассум билан. Бопладим дегандек қаҳ-қаҳ уриб кулди. Гапирарди-ю, худди кўрқоқ чиябўридек бир у бурчакка, бир кресло ортига қочарди. Қўрқаниданми ёки хаяжонланганиданми бир жойда туриб гапиролмасди. Сталин эса ғазабдан, иш столига икки кўлини муштлаганча ундан кўзини узмай ўқрайиб туради.

– Йўқол. Бўлмаса..., – деб унга эшикни кўрсатди.

– Нима бўлмаса? Эшик ортидаги итларингизга мени отиб ташлашни

буюрасизми? Айтинг отишсин. Айтинг нега жим турибсиз? – олдинга мардларча қадам босди-да, кўксини очиб, – дарвоқе, сиз ўқни қоқ мияга жойлашни яхши кўрасиз-а, унутибман. – деб яна кулганча ортига тисланди.

– Олиб чиқинг уни ва бошқа кремлга Қўйманг, — деди Сталин қатгий

оҳангда. Ўғлини шу қадар яхши кўрганидан, балки сиёсий мавқеидан-ми, унга озор беришга ўзида куч топа олмагандир.

ГУГБ ходимлари Якобни икки кўлидан судраб боришаркан, токи кремлдан чиқиб кетгунча отасига асаббузар гаплар қилиб бораверди. Унинг отасига нафрати шу қадар чексиз

эдики, нима қилиб бўлмасин отасидан, бир замонлар Иосиф-ни топиб берасан деб, княз соқчилари онасини қамаб қўйишганида, зиндонда сил касалини орттириб ўлиб кетган онасининг қасдини олишга ҳаракат қиларди. Ўзи шундоқ ҳам мустаҳкам бўлмаган ота ўғил ораси, бугун бутунлай бузилди. Сталин юрагини ушлаганча, кимсасиз хонада ёлғиз қолди. У деразадан Якобнинг ортидан қараб қоларкан, – Сен, аблах ота нималигини қаердан биласан Якоб? Буни мана мендан сўра. Балки мен феъли тор, буйруқ беришни яхши кўрарман. Аммо отамдан фарқли ўлароқ, оилам ҳаққини емаганман. Ҳа балки сени баъзи бир сабабларга кўра вақтинча ташлаб кетгандирман, балки онанга яхши қарай олмагандирман. Аммо севганман, чин юракдан севганман Якоб. Исмининг маъноси нималигини билсанг эди. Ҳаммининг назарида бу дининий исм, Якуб исроил пайғамбарининг исми деб ўйлашади. Йўқ, асло ундай эмас. Я коба, яъни мен кобанинг ўғлиман, мен янги кобадан деган манони кўзлаб қўйганман ўғлим. Сендан умидларим катта эди, аммо сен менга эмас онанга тортдинг. Ҳаётда мақсадинг йўқ. Дўст билан, душманнинг фарқига бормайсан. Ўта меҳрибон, ўта ишонувчансан, худди менинг марҳума Катойимга ўхшаб. Онангни, айнан унинг меҳрибончилиги бу дунёдан олиб кетди. Унинг ишонувчанлиги. Оҳ, сен ўғлига чоғ қазиган оталарни кўрмагансан-да ўғлим.

У отаси Висарион Жугашвилли уйга кеч келиб, онасини урганини, Сосо (Иосиф Сталинни ёшлигида шундай чақи-

ришарди) ёшлигида от араванинг тагида қолиб кетганида, отаси «сендан ўлим ҳам ҳазар қилибди-да, сен нафақат менга балки ўлимга ҳам керак эмассан» деган сўзларини эслади. Онаси Сосонинг даволаниши учун хўжайинидан қарз олганида, отаси шу пулларни ичиб қўйганини эслади. Ва оёғидаги пайпоғини ечиб, ёшлигида мажағланиб кетган, ва бир умр ҳаммадан беркитиб юрган панжасини силади. Ўша фалокатда «Сосо юролмайти» деган гапни эшитиб, шу мажағланган оёқ билан, кўзларини чирт юмганча юришни ўрганганини эслади, – Сен нимани кўрибсанки мени айблайсан. Онанги жонини олганим йўқ. Шунчаки, уни асраб қола олмадим холос. – Деб ўғли Якобнинг аччиқ сўзларини унутишга уринди.

Якобнинг хатоси

Якоб билан Сталин анча вақтгача бир бирлари билан муроса қилмадилар. Якоб Жугашвилли, Зоя билан бирга жуда ёш турмуш қуришди. Улар коммунал квартиралардан бирида, кенглиги тўртта каравот сиғадиган, на ошхонаси ва на хожатхонаси бор хонани ижарага олиб яшай бошлашди. Улар ҳали оила нималигини, фарзанд нималигини билмасдилар.

Тез орада фарзандлик ҳам бўлишди. Қизалоқ 7-ойлик бўлганида анча кўзга кўриниб қолди, унинг ширин табассуми, янгидан-янги қилиқлари, эркаланиб гувраниши ўша коммунал квартирадаги қўшнилариининг ҳам қалбларига ором бахш этарди.

Кунлардан бир кун, Якоб хурсанд кириб келди. каравотнинг бош тарафига ётқизиб қўйган қизалоғини ёнига оёқларини ҳам ечмай чўзилиб, уни эркалай бошлади. У ўзида йўқ хурсанд, қаергадир шошаётгани шундоққина кўриниб турарди.

– Зоя отлан. Меҳмонга борамиз, – деди бирдан. Ўзи қизалоғининг

касалидан чарчаб турган Зоянинг энсаси қотгандек бўлди.

– Қаерга? – Деди у хонанинг бошида битта темир каравот, ёнида ик-

ки киши аранг сиғадиган, эски, ғичирлайдиган стол ва бир биридан сифати ва ҳажми билан умуман фарқ қиладиган ик-

кита стул қўйилган. Эшикдан кираверишга тепага дор қилиб осиб қўйилган боланинг иштон-чаларини сиқиб осарди.

– Дўстларимиз билан бир дам олиб келамиз. Қўшни партада ўтиради-

ган Андрей эсингдами?

– Ҳа нима эди?

– Ўша уйланаётган экан.

Зоя ҳайратланиб, қўлидаги боланинг ювилган иштончаларини эски, сири кўчган яшил пақирга ташлаб, Якобнинг олдига келиб қаравотга ўтириб олди-да, унинг қўйнига кириб, юзларидан ўпди. Ва гапни давомига қизиқа бошлади.

– Кимга?

– Буни борганда биламиз. Қани отлан. – деди Якоб.

Ёш эмасми, барибир Зоянинг ўйин-кулги қилгиси келади.

Ҳали ёшига тўлмаган қизалоқ иситмалаётганини, онасининг ғамхўрлигига мухтож бир пайтда, қизалоғини ташлаб кетишга иккиланди.

– Қизимизни нима қиламиз? Озгина иссиғи борга ўхшайди. Балки

бошқа сафар, бориб табриклар келармиз. Негадур кўнглим ғаш. —Деди Зоя.

– Уни Анюта холага ташлаб кетамиз. Қўрқма эртага қайтамиз унга

ҳеч нима бўлмайди. – деди Якоб, худди мушугимга қараб туринг, эртага келаман деб кетган ҳайвон ўргатувчисидек. Тугмасини шоша-пиша тақа бошлади.

Кўчада қор бўралатиб ёғиб турибди, изғириннинг шамолли дераза ортидан ҳам увиллаб эшитиларди. Одамлар кўчаларда қалин шубаларини тугмасига ҳам қоникмай, шамолда очилиб кетмасин дея олдини ғижимлаганча, бошларига қалин телпакларни бостириб, қулоқларигача ёпиб, томоқларидан бойлаб олишган. Уйларига шоша-пиша ким бир сетка ун, ким пакетчада сут олиб кетаяпти, бири эса папкасини кўл-тиқлаганча, учуриб юборай деб юзларига урилаётган шамолга қарши кучанган кўйи ишдан қайтаяпти.

Кремлда эса хоналар яхши жиҳозлангани учунми ёки камин атрофида ўтиришгани учунми, Жуков билан Сталин, энгил кийимда эгниларидаги пиджакни ечиб, креслога илиб олганча шахмат ўйнаб ўтиришарди. Ора-чора Сталин Якобнинг расмига қараб кўяётганини Жуков сезди шекилли:

– Ўртоқ Сталин, Якоб фарзадлик бўлганидан хабарингиз борми? —

Деб хабар берган бўлди ўз кўнглида. Сталин бошини қуйи солиб худди унга буни фарқи йўқдек.

– Мени ундай ўғлим йўқ. – Деб совуққонлик билан шахмат ўйнашда

давом этди. Орага сукунат чўмди, аммо ота барибир отада, қанча яширмасин, меҳрини қалбига қулфлай олмайди. Кимнингдир назарида бу гаплар Сталинни четлаб ўтган дея ишонч билан айтиши табиий, четдан қараганда Сталин бешавқат бошқарувчи, бераҳм ота рўлини қойилмақом ўйнардди. Аммо унинг ҳар дойим ҳам кулиб турмайдиган кўзла-

рининг тубидан, қалбининг яширин дарчаларида бамисоли маҳбусдек қамалиб ётган меҳр-муҳаббатини кўра олиш, яхши психолог учун чўт эмасди. Сталин, яъни Сосо ўта меҳрибон ва ўта ишонувчан болакай бўлган ёшлигида. Аммо унинг жажжи қалбларидан отилиб чиқаётган меҳр булоғини, кимдир ёхуд кимлардир ўзининг калтабинлиги билан ифлослагани ва унга етарлича эътибор бермагани, керакли сўзларни вақтида айта билмагани уни жажжи фариштадан улкан маҳлуққа айлантиргандир эҳтимол. Балки шу сабаб, ҳеч ким уни топтамаслиги ва уни шоиромуз иқтидорининг устидан кулмаслиги учун, уни банди қилган бўлса ажаб эмас.

– Нима туғилибди? – деди Сталин, ниҳоят чидолмай.

– Қизалок. – Деди Жуков худди шу саволни кутиб тургандек.

Сталиннинг чимириб олган қошлари, ёмғирдан сўнг таркаган булутдек кўтарилиб кўзлари чакнаб кетди.

– Отини нима қўйишибди? – деб юборди у бехосдан.

– Билолмадим ўртоқ Сталин.

Сталин дарров ўзини тутиб олди.

– Яхши қилибсиз, сўраб суриштириб ўтирманг. Энди уни бизга алоқа-

си йўқ. – Деб ўрnidан туриб, дераза олдидаги стол ёнига борди. Трубкасига тамакисини солиб, чекишни бошлади. У чеккиси келганидан эмас, аксинча кўзлари қизарганини яшириш мақсадида туриб кетганини Жуков фаҳмлади.

– Рухсат берсангиз, мен бора қолай ўртоқ Сталин. Кеч

бўлди эртанги

Сейздга тайёргарлик кўришим керак. – Жуковнинг бу гапига, Сталин бош чайқаб кўйди холос.

Сталин узоқ вақт, девордаги Иван Грозний суратига термулиб турди. Суратда Иван Грозний ёш йигитни кучганча, гилам устида йиғлаб ўтиргани тасвирланган. Йигитнинг жонсиз жасади осилиб ётар, оёқлари яланг оёқ эди. Хона шунақанги рангда тасвирланган эдики, унга қараган кишига, гўё хона уларни борган сари сиқиб бораётгандек туюларди. Тарихда ёзилишича, Иван грозний ўта золим княз бўлган, тахт талашиб, ҳатто ўз ўғлини ўзи ўлдирган, фақатгина унинг жонсиз танасини қонга беланиб ётганини кўргачгина, ундаги оталик меҳри уйғониб, у бир неча кунгача ўғлининг устида кўз ёш қилган, деган тахмин илгари суриларди. Суратда айнан шу манзара тасвирланганди.

– Билсанг эди Якоб сени қанчалар яхши кўришимни. Ҳа мен сенга

меҳр беролмадим, ҳа мен онангни асрай олмадим, онанг шўрлик мени деб авахта деворлари ортидан чиқди-ю, кўз юмди. Биламан. Ҳаммасини биламан. Мени нима учун ёмон кўришингни ҳам биламан. Аммо нима қилай ҳаёт шундай экан. Меҳрибон бўлишга. Оддий инсон каби, туйғуларимни кўрсатишга менинг ҳаққим йўқ. Аслида сени ахлоқингга ҳам ўзим айбдорман. Сени кимларнинг қўлига топшириб қўйдим? Мана ота бўлибсан, ҳадемай сен ҳам буни англаб етасан.

– Қизалоқ. – у бироз жўшқинланиб севинчдан лабларини тишлади.

кўзига ёш қалқиб, томчиламай яна ғойиб бўлди. – Қандай экан-а? Кимга ўхшаркин? Наҳотки мен набиралик бўлдим? Бир бор кўрсам армоним йўқ эди. – деган ўй хаёллар билан, тун ярмигача хонасида қолиб кетди.

Якоб ва Зоя меҳмондорчиликда қолиб кетдилар. Анюта хола эса туни билан ухламади. Ўзи шундоғам бод касали ту-файли, туни билан оёқларини силаб ухлолмайдиган Анюта холага, бу қизалоқ роса дардисар бўлди. Қизалоқ шунақанги ёнардики, ҳатто тез ёрдам ҳам иситмасини тушира олмади.

– Қизчанинг онаси қани? – Деди жаҳл билан, шпристга инекция торт-ганча сўради врач.

– Улар тўйга, қишлоққа кетишганди. – Деб Врачнинг атрофида гирди-

капалак бўларди, ўзининг дарди етмагандек Анюта хола. Врач тўй сўзини эшитиб, қишнинг қировли кунда Қайси аҳмоқ тўй қиларкан дегандек Анюта холага ҳайротомуз қаради.

– Қандай тўй? Болага ҳозир онаси керак. Қани, бир мартта эмизганда

эди иситмаси Анча тушарди. Қайси аҳмоқ боласини шу ҳолда бировга ташлаб кетади, – деди врач тутоқиб.

– Бу қизалоқ кимлигини биласизми? – деди Анюта хола мақтанган

куйи.

– Ким экан? Оддий қизалоқ,

– Эй йўқ, бу қизалоққа яхшилаб қаранг ўртоқ врач. Бу шаҳсан ўртоқ

Сталиннинг биринчи набираси.

– Нималар деяпсиз? Қанақасига? Уни устига бу камунал-када у нима

қилаяпти?

– Бунинг тарихи узун. Билганим шуки Якоб, яъни қизалоқнинг ота-

си, ҳозир отаси билан уришиб қолишган. Отаси уни уйдан ҳайдаган...

– Тўхтанг, тўхтанг. Тушунмадим кимнинг отаси, кимнинг отаси

билан уришиб қолган? Умуман тушунмадим.

Шу пайт қизалоқ чирқираб қолди. Врач билан Анюта холанинг суҳбати бўлиниб, қизалоқ билан андармон бўлиб кетишди. Шу пайт врачнинг «онаси эмизганда эди» деган сўзидан, Анюта хола чора топилгандек хурсанд, кўзлари чақнаб кетди.

– Балки сут бериб кўрармиз. Мен ҳозир, югуриб бориб келаман кўш-

нимда бўлиши керак. – деб оқсоқланганча чиқиб кетаётганди.

– Йўқ. Она сутини ўрнини ҳеч нарса боса олмайди. Бола йиғлашдан

тўхтаса эди, бирон нима қилишни иложи бўларди. Бу ерда эмизикли аёллар йўқми? – деганча, энди эгнига Пуҳли, шерддан тўқиб олган шарфини ёпиниб, чиқиб кетаётган холани тўхтатди врач. Анюта хола бўйнини қисиб, Афсус дегандек врачга мўлтиради. Тонга яқин қизалоқнинг йиғиси босилди. Анюта хола туни бўйи бир оёғини аранг судраганча, иситмадан ёнаётган қизалоқни кўтариб хонанинг у бурчагидан-бу бурчагига юриб роса ҳолдан тойган, кўзлари толиқиб юмилиб кетай дерди. Қизалоқнинг бирдан жимиб қолгани айни муддао бўлди шекилли, у хурсанд, эшикни аста ёпди. Оёғидаги шиппагини секингина ечиб қўлларига олди-да, панжасининг учида хонадан чиқиб кетди.

Конец ознакомительного фрагмента.

Текст предоставлен ООО «Литрес».

Прочитайте эту книгу целиком, [купив полную легальную версию](#) на Литрес.

Безопасно оплатить книгу можно банковской картой Visa, MasterCard, Maestro, со счета мобильного телефона, с платежного терминала, в салоне МТС или Связной, через PayPal, WebMoney, Яндекс.Деньги, QIWI Кошелек, бонусными картами или другим удобным Вам способом.